



TURKISTAN
janubiy.kz

Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 11 октябрь, шанба, №109 (3610).



КУН РАҚАМИ

Мамлакатнинг дон етиштирувчи ҳудудларида ғалла йиғим-терими якунига етмоқда. ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакат бўйича жами 20,8 миллион тонна ғалла хирмони уюлди.

>>> Президент

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА РОССИЯ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Kazinform. Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Тожикистон пойтахти Душанбеда иккинчи «Марказий Осиё – Россия» саммитида иштирок этди.



Ўз нутқида Давлат раҳбари саммитни аъло даражада ташкил қилгани учун Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонга миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, Қозоғистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва дўстликни мустаҳкамлашдаги ҳиссаси учун Президент Владимир Путинга ҳам алоҳида миннатдорчилик изҳор этди.

– Марказий Осиёнинг салоҳияти, унинг ҳозирги ва келгусидаги ўрни дунёвий жараёнларда эътироф этилмоқда. Шунинг учун бу шаклдаги музокараларга қизиқиш ортмоқда. Тарихий, сиёсий ва иқтисодий сабаблар туфайли Россия Қозоғистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Биз билан Россия ўртасидаги чегара – 7 591 чакиримни ташкил этади. Шу боис, дунёвий таҳдидлар ва иқтисодий таназзулга қарамай, Россия доимо стратегик шерик ва ишончли ҳамкор бўлиб қолади, – деди ҚР Президенти.

Президент таъкидлаганидек, аввалги саммит Астанада ўтказилган ва у кўп томонлама ҳамкорликка самарали йўл очган.

– Бугунги учрашув Россия билан узоқ муддатли ҳамкорликка янги суръат бағишлаши лозим. Асосий вазифа – Марказий Осиёда барқарорликни

мустаҳкамлаб, кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш учун шароит яратиш, – деди у.

Қасим-Жўмарт Тўқаев савдо-иқтисодий ҳамкорликни устувор йўналишлардан бири сифатида белгилади.

– Илк саммитда янги иқтисодий ҳамкорлик дастакларини шакллантирилишига қелишиб олдик. Бугун қабул қилинган Ҳамкорлик ҳаракатлари режаси 50дан зиёд тадбирни ўз ичига олади. Марказий Осиё мамлакатлари савдосининг учдан бир қисми Россия билан боғлиқ. 2024 йилда савдо ҳажми 20 фоизга ошди ва 50 миллиард доллардан зиёдни ташкил этди. Россия Қозоғистон иқтисодиётида энг йирик сармоядорлардан бири бўлиб, 26 миллиард доллардан зиёд маблағ киритган.

Савдо ҳажмининг ошишига чегаравий савдо минтақалари, бизнес-анжуманлар, кўргазма ва ярмаркалар, электрон савдо майдонлари ёрдам беради. Марказий Осиёда кўшма савдо-саноат минтақалари ва индустриал марказлар шаклланимоқда.

Президент қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

– Ижобий натижалар бор, аммо инновацияларни жорий қилиш орқали

самарадорликни ошириш мумкин. Масалан, агротехнологик лойиҳалар, янги қишлоқ хўжалиги технологиялари, замонавий агрологистика майдонлари ва сунъий идрок марказларини ташкил қилиш мумкин. Россия ва Қозоғистон ғалла етиштиришда етакчи. Шунинг учун кўшма кластерлар ташкил этиш таклиф этилади, – деди у.

Транспорт-логистика соҳасида ҳам ҳамкорлик устувор. Қозоғистон Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи марказий ҳавза сифатида Россия билан ҳамкорликда муҳим транзит йўллари ва дахлизларни ривожлантирмоқда.

Энергетика соҳасида ҳам кўшма ҳамкорлик кучаймоқда. Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги уч томонлама газ иттифоқи орқали газ таъминотида барқарорлик ўрнатилди. Шунингдек, Қозоғистонда «Росатом» билан биринчи атом электр станцияси қурилиши бошланган.

Рақамли трансформация ҳам устувор йўналишлардан бири. Астанада Халқаро сунъий идрок маркази ва миллий суперкомпьютер ишга туширилган ва 400 мингдан зиёд талаба учун давлат дастури амалга оширилмоқда.

Президент минтақада экологик муаммоларга эътибор қаратди. Марказий Осиё ва Россия экологик масалалар бўйича вазирлар кенгашини тузиш таклиф қилинди. Трансчегаравий дарёлар ва Каспий денгизи ҳолати ҳамда сув хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, рус тили мавқеини мустаҳкамлаш, олий таълимда ҳамкорлик ва хавфсизлик масалаларини ҳам таъкидлади.

Саммитда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон, Россия Президенти Владимир Путин, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Туркменистон Президенти Сардор Бердимухамедов ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Қ. Тўқаев саммит якунлари Марказий Осиё ва Россия учун барқарорлик ва тараққиётга янги саҳифа очишини таъкидлади.

Саммит доирасида ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Томонлар олий даражада эришилган энг муҳим қелишувларни амалга

ошириш жараёнини муҳокама қилдилар.

Давлат раҳбарлари Қозоғистон – Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари жадал суръат билан ривожланиб, тобора мустаҳкамланаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро сиёсий ирода ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли стратегик шериклик тамойиллари амалда рўйбга чиқарилаётгани қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, кўшма кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмашинув дастурлари илгари сурилмоқда. Ҳудудлар даражасида фаол мулоқот йўлга қўйилган.

Учрашувда қардош мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Олий даражадаги қелишувларни амалга ошириш доирасида икки томонлама дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, минтақавий ва халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, бирлик, этнослараро ҳамжиҳатлик ва тотувликнинг мустаҳкамлиги Қозоғистон халқи Ассамблеясининг, қолаверса, турли даражадаги этномаданият бирлашмаларининг кенг қамровли фаолияти билан боғлиқ. Бу жараёнга ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳамда унинг жойлардаги шоҳобчалари ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу ҳамжиҳатликнинг амалий ифодаси сифатида бугун вилоятимиз маркази Туркистон шаҳрида минтақамизда миллатлараро дўстлик ва бирдамлик руҳини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган анъанавий “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари кунини” байрами нишонланади.

Мазкур тадбирни ташкил этиш гоёси илк бор 1994 йилда жамоат арбоби, меҳнат фахрийси, Жанубий Қозоғистон вилояти-

*Туркистон шаҳрида –
“Ўзбек тили, маданияти
ва анъаналари кунини”*

нинг фахрий фуқароси, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг раиси бўлган Маҳаммад-расул Исоқов ташаббуси билан илгари сурилган эди.

Шимкент шаҳридаги Марказий истироҳат ва маданият боғида ўтган илк байрам катта тантана билан нишонланиб, жамоатчиликда илиқ таассурот қолдирган. Кейинчалик тадбир Туркистон, Сайрам, Қазигўрт, Саригўоч ва бошқа ҳудудларда ҳам кенг нишонланадиган анъанага айланди.

Дастлабки йилларда бадиий-ҳаваскорлар ўртасида куй-қўшиқ ва хунармандчилик кўргазмалари бўйича танловлар ўтказилиб, ғолиблар махсус совғалар билан тақдирланган. Кейинчалик байрам умумий концерт тарзида ташкил этила бошлади.

1995 йили Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил топгач, мазкур ташаббус мамлакат миқёсида қўллаб-қувватланиб, турли миллат вакиллари ишти-

рокида ўтказиладиган муҳим маданий анъанага айланди.

Тантананинг қадим Туркистон шаҳрида ўтказилиши рамзий маъно касб этади. Чунки Туркистон – тарихий ва маънавий жиҳатдан икки қардош халқни бирлаштирувчи муқаддас маскан ҳисобланади.

Байрам муборак бўлсин, азизлар!

ТАҲРИРИЯТ.



МАОШ МЕДИАН ИШ ҲАҚИДАН КАМ БЎЛМАСЛИГИ ЛОЗИМ

**ҚОЗОҒИСТОНЛИКЛАР ЭҲТИЁЖИНИ
ҚОПЛАЙДИГАН МАОШ МИҚДОРИ
МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ**

Zakon.kz. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Асқарбек Ертаев Сенат мажлисидан сўнг мамлакатда муносиб ҳаёт кечириш учун қанча маош зарурлиги ҳақида фикр билдирди, дея хабар беради **Zakon.kz** нашри мухбири.

Вазир ўринбосарининг таъкидлашича, бу борада асосий мезон сифатида ўртача иш ҳақи кўрсаткичи олинади.

– Бугунги шароитда Қозоғистон фуқаросининг эҳтиёжини қоплайдиган маош медиан иш ҳақидан кам бўлмаслиги лозим. Ҳозир мамлакатимизда ўртача маош 400 минг тенгени ташкил этса, медиан кўрсаткич 288 минг тенгени ташкил этади, – деди Ертаев.

Унинг маълум қилишича, мамлакатда фаолият юритаётган 95 минг ташкилотнинг 73 мингтаси ёки 76 фоизи ишчиларга медиан даражасидан кам бўлмаган маош тўлаб келмоқда.

– Қолган ташкилотлар билан бу йўналишда изчил иш олиб борилади. Халқаро меҳнат ташкилоти тавсиясига кўра, иш ҳақи Кейтц кўрсаткичи (энг кам маошнинг ўртача маошга нисбати. У иш ҳақи сиёсатининг адолатлилиги ва аҳолининг меҳнатдан даромад олиш имкониятини баҳолайди)нинг камида 50 фоизини ташкил этиши лозим. Бизда бу кўрсаткич ҳозирча 30 фоизга паст. Шу боис 2030 йилгача босқичма-босқич ушбу даражага етишишни режалаштирганмиз, – деди у.

P.S. Статистикада медиана. Сонлар тўпламининг ўртасида келадиган сон медиана ҳисобланади. Масалан, {1, 3, 5, 9, 11} тўпламининг медианаси 5 га тенг, чунки 5 сонлар қаторининг ўртасида турибди.

Агар сонлар тўпламида жұфт миқдорда элемент бўлса, медианани топиш учун ўртадаги икки соннинг ярмини олиш керак бўлади. Масалан, {1, 3, 5, 7} тўплами медианаси 4 бўлади.

САЙРАМ ТУМАНИГА ЯНГИ ҲОКИМ САЙЛАНДИ

Жорий йил 5 октябрда ўтган сайловда сайловчиларнинг кўп овозини олган Мадияр Ғразалиев Сайрам тумани ҳокими этиб сайланди.

Мадияр Ғразалиев 1986 йили Сайрам туманининг Қорасув қишлоғида туғилган. У ўрта мактабни тамомлагач, Жанубий Қозоғистон давлат университетиди, шунингдек, Х. А. Яссавий номидаги Халқаро қозқ-турк университетиди тахсил олган.

Меҳнат фаолиятини «Жанубий Қозоғистон газ ҳўжалиги бошқармаси» МЧБда бошлаб, турли йилларда «ҚазТрансГаз Аймақ» ХЖ ЖҚВ филиалининг ички назорат бўлими бош мутахассиси, техник нозирлиги бошлиғи, Сайрам туман газ ҳўжалиги муассасаси бошлиғи, мазкур муассасанинг директори, Сайрам тумани ҳокимининг ўринбосари, Қа-



зигурт тумани ҳокимининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Туман ҳоқимлиғиди ўтган йиғилишда вилоят ҳоқими Нуралхан Кўшеров Мадияр Мухтарулини

фаолларға таништириб, янги лавозимдағи фаолиятиди унға муваффақият тилади.

3. МЎМИНЖОНОВ.

Туркистон вилояти ҳоқими Нуралхан Кўшеров раислиғиди ўтган йиғилишда ҳудуддағи долзарб масалалар муҳоқами этилди.

Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳоқимлари иштирок этди. Мажлисди вилоятдағи таълим муассасаларида ўқув жараёнини сифатли амалға ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлиқни таъминлаш масалалари муҳоқам қилинди. Минтақа раҳбари масъул шахсларға тадбирни самарали ташкил этиш юзасидан қатор топшириқлар берди.

– Ёш авлодға урф-одатларимизға мувофиқ таълим-тарбия бериш – фаолиятингизнинг асосий йўналиши бўлиши шарт. Ўқитувчилар мала-

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

касини ошириш борасиди ишларни давом эттиринглар. 2025 йилнинг 9 оий мобайнида умумий ўрта таълим муассасаларида 7309 нафар ўқитувчи малақа ошириш курсларидан ўтди. Қолган 3 ойда ҳам малақа ошириш курсларида ўқиш давом этади. Умуман, барча соҳалардағи масалалар мунтазам назоратға олиниб, аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш, элимиз бирлигини мустаҳкамлаш йўна-

лишди тўхтовсиз ишлашимиз лозим, – деди Нуралхан Кўшеров.

Йиғилишди вилоят таълим бошқармаси раҳбари вазифасини бажарувчи Ғалимжан Ўринов ҳамди Туркистон шаҳри ҳоқими Азимбек Пазилбекулининг ҳисоботлари тингланди. Масъул раҳбарларға аниқ вазифалар берилди.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

ЗАМОНАВИЙ ЁНИЛҒИ ОМБОРИ БАРПО ЭТИЛАДИ



орқали йўловчи ва юк ташиш оқимларини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, авиация соҳасининг халқаро хавфсизлик талабларига мос ёнилғи инфратузилмасини янгилаш кўзда тутилган.

Учрашув якунида томонлар йўл харитасини тайёрлаб, лойиҳани самарали амалға ошириш юзасидан келишиб олдилар.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.



ДЕПУТАТЛАР ЎРТАСИДА ВИЛОЯТ БИРИНЧИЛИГИ ЎТДИ

Туркистон вилояти маслаҳати ташаббуси билан депутатлар ўртасида футболдан вилоят биринчилиги ўтди.

Очилиш маросимида вилоят ҳоқими Нуралхан Кўшеров, вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов, Туркистон шаҳри ҳоқими Азимбек Пазилбекули иштирок этди.

Вилоят ҳоқими ўз табриғиди спортсевар депутатларни қутлаб, спорт борасиди амалға оширилаётган ишлар ҳақиди тўхталиб ўтди.

– Спортсевар депутатларимиз иштирокида катта мусобақа ўтмоқди. Туман ва шаҳарлардағи маслаҳат депутатларидан тўзилган кучли жамоалар мини футбол баҳсиди чинакам ғолибни аниқламоқди. Бу – фақатгина спорт беллашуви эмас, балки бирдамликни мустаҳкамлайдиган, соғлом турмуш тарзини тарғиб этадиган муҳим тадбир. Жорий йилнинг 8 ой якунида иқтисодий ўсиш кўрсаткичи бўйича ҳам вилоятимиз пешқадамлар қаторидан жой олди. Бу – барча даражадағи маслаҳат депутатлари билан биргаликдағи ишлар самарасидир. Барча иштирокчиларға омад тилайман! – деди Нуралхан Кўшеров.

Мусобақада 18 жамоа қатнашди. Ғолибларни тақдирлаш маросимида вилоят маслаҳати раиси Нурали

Абишов ҳамди вилоят ҳоқимининг ўринбосари Ертай Алтаев табриклаб, майдонда зафар қозонган жамоаларға медаллар, кубок ва пул сертификатларини топширди.

Натижаларға кўра, Туркистон вилоят маслаҳати депутатлари жамоаси 1-ўринни эгаллаб, 1 миллион тенгелик сертификатға эга бўлди.

2-ўринға сазовор бўлган Тўлебий туман маслаҳати депутатлари 500 000 тенгелик сертификат билан тақдирланди.

Туркистон шаҳар маслаҳати депутатлари 3-ўринни эгаллаб, 300 000 тенгега эга бўлдилар. Арис шаҳар маслаҳати жамоаси эса 4-ўринни эгаллаб, 200 000 тенгелик мукофотға эга бўлди.

Шунингдек, майдонда фаоллик кўрсатган депутатлар алоҳида номинациялар билан тақдирланди. Уларға диплом ва 50 минг тенгелик сертификатлар топширилди.

Адилхан Асауов, Жетисай тумани – “Энг яхши ўйинчи”, Нурғали Турлибеков, Байдикбек тумани – “Энг яхши ҳужумчи”, Мухан Турсинханов, Мақтаарал тумани – “Энг яхши дарвозабон”, Қадирбек Қуатбеков, Сайрам тумани – “Энг яхши ҳимоячи” номинациялари билан тақдирланди.

Туркистон вилояти маслаҳати.

САРМОЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Вилоят ҳоқимининг ўринбосари Нурбўл Турашбеков «Байтерек» Миллий холдинги» ХЖ Бошқарма раиси ўринбосари Шайхи Жандўс билан учрашди.

Учрашув борасиди минтақадағи сармойавий вазиятға тўхталиб, имкониятлар ва режалар муҳоқам қилинди.

2025 йилнинг 9 ой мобайнида 33та сармойавий лойиҳа амалға оширилиб, 4793та иш ўрни барпо этилди. Йил охириға қадар бу кўрсаткич 48та лойиҳага этиши қутилимоқди. Вилоятда 2028 йилгача 111та сармойавий лойиҳалар жамланмаси шакллантирилган. Ўшбу режани забт этиш учун 23 915та янги иш ўрни очилиши даркор. 2024 йилда амалға оширилган 16 сармойавий лойиҳа 1358 фўқарони доимий иш билан таъминлади.

Вилоят ҳоқимининг ўринбосари, шунингдек, молиялаштириш борасиди муаммоларға тўхталиб, долзарб

масалалар ҳақиди фикрлашди. Шунингдек, аҳоли зич туманларда маҳсус идора очиш, насия бериш ва молиявий саводхонлиққа оид маслаҳат марказини барпо этиш масаласини муҳоқам қилишди.

Жандўс Шайхи вилоятға сафари давомида пахтазорларни оралаб, сармойавий лойиҳалар билан танишди. Йил бошидан буён “Байтерек” Миллий холдинги” орқали минтақадан тавсия этилган қиймати 500,8 млрд тенгени ташкил этувчи 6та лойиҳа ижобий ҳал этилган.

Учрашув давомида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида иккинчи даражали банклар орқали имтиёзли насиялар бериш шартлари ва ҳуқуқий меъёрларига эътибор қаратилди.

Учрашув сўнгғиди ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

АЗИМБЕК ПАЗИЛБЕКУЛИ: “ҲАР БИР ИШ СИФАТЛИ, ҲАР БИР КЎЧА ҚУЛАЙ БЎЛИШИ КЕРАК”

Туркистон шаҳрида кенг қамровли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва йўл инфратузилмасини ривожлантириш тадбирлари олиб борилмоқди. Шаҳар ҳоқими Азимбек Пазилбекули мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида қатор иншоотларни оралади.

Дастлаб шаҳар ҳоқими Ўтрор мавзесидағи йўл инфратузилмасидағи таъмирлаш ишлари билан танишди. Бу ерда Шаян, Ўйсил қара, Келес, шунингдек, умумий узунлиги 24,6 қақиримдан иборат 28та кўчада таъмирлаш ишлари олиб борилмоқди. Лойиҳа доирасиди йўллар мустаҳкамланиб, икки қатламли асфальт қопламаси ётқизилди. Шунингдек, йўл чеккасида пиёдалар йўлакчасини қуриш ишлари давом этмоқди.

Шаҳар раҳбари пудратчи ташкилотларға амалға оширилаётган ишлар сифати устидан қатъий назорат ўрнатилиб, фўқаролар хавфсизлиги ва қулайлигини таъминлаш ва барча муҳандислик ва инфратузилма талабларига тўлиқ риоя қилиш вазифасини қўйди.

Шунингдек, янги отчопарға олиб борувчи йўл қурилиши билан танишди. Узунлиги 1,3 қақиримдан иборат йўлга икки қатлам асфальт ётқизилиб, ёритиш ускуналари ўрнатилган. Ҳозирда йўлнинг икки томонида пиёдалар йўлакчаси барпо этилмоқди.



Ҳоқим масъул пудратчи ташкилотларға қурилиш сифатига жиддий эътибор қаратиш ва ишларни белгиланган муддатда якунлаш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Шунингдек, шаҳар ҳоқими Б. Саттарханов шоҳқўчаси ва Аэропорт тош йўли бўйидағи кўкаламзорлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Шаҳарнинг асосий магистрал кўчалари бўйида турли дарахт кўчатлари ўтқазилиб, ашил ҳудудларнинг майдони кенгаймоқди.

Шаҳар ҳоқими мазкур ишларнинг эс-

тетик ва экологик аҳамиятини таъкидлар экан, ўтқазилган дарахт кўчатлари ва гулларни парваришлашни доимий назорат қилиш зарурлигини қайд этди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда шаҳар ҳоқимлиги томонидан барча ободонлаштириш ва қурилиш лойиҳалари бўйича доимий мониторинг йўлга қўйилган. Мақсад – ҳар бир ишни сифатли бажариш, ҳар бир кўчани қулай ва замонавий қиёфаға киритишдир.

Шаҳар ҳоқимининг матбуот хизмати.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ – ҲАМКОРЛИК АСОСИ

Жорий йилда Қозоғистон касаба уюшмалари ҳарақати 120 йил, Касаба уюшмалар федерацияси ташкил этилганиға 35 йил тўлди. Шу муносабат билан, Туркистон шаҳрида «Касаба уюшмасининг кучи – бирликда!» мавзуида тадбир уюштирилди.

Унда вилоят ҳоқими ўринбосари Ертай Алтаев иштирок этиб, соҳа фидойиларини байрам билан қутлаб, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидағи саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

– Касаба уюшмалари мамлакатимиздағи ижтимоий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда, ишлаб чиқаришда барқарорлиқни таъминлашда, меҳнат муносабатларини адолатли йўлга қўйишда ҳамди меҳнаткашларни муносиб шароит билан таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда федерация 35 йиллик фаолияти давомида тизимли ва натижали ишлари билан меҳнат соҳасидағи асосий жамоат институтларидан бириға айланди. «Туркистон вилоят касаба уюшмалар маркази» ҳудудий касаба уюшмалар бирлашмаси ҳам минтақада касаба уюшмалар ҳарақати тараққиётиға салмоқли ҳисса қўшиб келмоқди, – деди Ертай Кенжебекули.

Байрам тадбирида соҳа тараққиётиға ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ҳамюртларимиз Қозоғистон Республикаси Касаба уюшмалар федерациясининг медали, ташаккурномаси ва фаҳрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

Таъкидлаш жоизки, бирлашма раиси Бердиғали Ўмиралли раҳбарлиғиди касаба уюшмаси ташкилотлари меҳнат жамоаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳамкорлиқни ривожлантириш, жамоавий шартномалар тузиш, ёшлар ва хотин-қизлар орасидағи фаоллиқни ошириш борасиди изчил иш олиб бормоқди. Бугунги кунда касаба уюшмалари иштирокида ижтимоий масалалар ижобий ечим топиб, меҳнаткашлар ва иш берувчилар ўртасида ўзаро муроосаға асосланган муносабат шаклланган.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

»» Президент Мактуби – амал дастури



Тўлебий тумани, Кемекалган қишлоғидаги «Қазығұрт» умумтаълим мактабида «Миллий тарбия – миллат келажағи» мавзuida маънавий-маърифий учрашув ўтди.

Туман таълим бўлими руҳшуноси Асел Дарғанова ёшларнинг маънавий тарбияси, руҳий барқарорлик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш мавзуларида фикр билдирди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир ёш, камолот сари интилаётган инсонда ҳалоллик, адолат ва виждон туйғусини мустаҳкамлаш жамият тараққиётининг асосий шартидир.

– Юртбошимиз Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг “Адолатпарвар инсон – ҳалол меҳнат – ҳалол даромад” шиори остида ўтган Миллий Қурултойнинг учинчи мажлисидаги нутқда ёшлар тарбияси, инсонпарварлик ва ҳалоллик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, келажак пойдевори бугунги авлод онгидagi маънавий софлиги ва миллий гурур билан белгиланади, – деди у.

«Ёшлар имконият маркази» руҳшуноси Меруерт Ўразбай эса замонавий таҳдидлар – безорилик, кибербезорилик, қиморбозлик ва эрта никоҳ каби муаммолар ҳақида фикр юритди. У бу жараёндаги нисбатан билимини ва эҳтиёт чораларини кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Марказ нозир Асхат Алимқулов ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонлики ошириш, ҳуқуқбузарлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш, иж-

тимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ҳақида маълумот берди. Тадбир давомида видеолар ҳалол ҳам намойиш этилди.

Туман маслаҳати раиси Нурлан Қўйбағаров ўз нутқида ёшлар бандлиги масаласига тўхталди.

– Технологик инқилоб туфайли яқин ўн йил мобайнида ҳозирги касбларнинг ярми йўқолиб кетади. Иқтисодиётнинг касбий сифати илгари ва ҳозир, ҳеч бир замонда бу қадар жадал ўзгармаган. Шу боис, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни келажакимизнинг муносиб ворислари сифатида вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ёшларимизнинг билим олиши ва касб танлаш борасидаги ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари, спорт иншоотлари замон талаблари даражасида бунёд этилиб, етарли шарт-шароитлар билан тўлиқ таъминланмоқда, – деди у. – Фахр билан айтиш жоизки, кўплаб ёшларимиз ўзларининг заковат салоҳияти билан халқаро олимпиадалар, спорт мусобақалари, қолаверса, барча соҳаларда юксак муваффақиятларга эришиб, юртимиз байроғини, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётганлиги барчамизни қувонтиради. Лекин, ютуқларимиз билан бир қаторда айрим ёшлар ўртасида зарарли одатларга ружу қўйиш ҳолатлари учраб турганлигини инкор қилиб бўлмайди. Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, оила, мактаб ва таълим муассасаларида соғлом муҳитни шакллантириш масалаларига бугун барчамиз жиддий ёндашмоғимиз лозим.

Туман фахрийлар кенгаши раиси Атирхан Шинғисбаев Президентнинг “Қозоғистон сунъий идрок даврида: долзарб масалалар ва уларнинг ечими – рақамли ислохотлар орқали”

Мактубида белгиланган вазифалар ва уларнинг ижросига тўхталди.

– Бугун ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида интернетдан фойдаланади. Айни пайтда тизимда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 10 мингдан зиёд сайт мавжуд. Компьютер ўйинларининг ярмидан зиёди зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилади. Айтиш жоизки, экологик, ижтимоий, иқтисодий муаммолар ва терроризм, трансмиллий жиноятларнинг салбий оқибатини аниқ кўриш, булар етказган моддий ва маънавий зарар миқдорини ўлчаш мумкин. Бироқ мафкуравий хуружлар, “оммавий маданият”нинг жамиятга етказаятган зарарини ўлчаб бўлармикан? Афсуски, йўқ.

Бунинг устига, “оммавий маданият” эр-хотин ва болаларни оиладаги вазифалари, бурч ва масъулиятлардан “озод” этиб, оилавий бирлик, меҳр-мурувватни йўққа чиқаряпти, оилани таназзулга олиб келмоқда. “Эркин ҳаёт тарзи” сифатида тарғиб қилинаётган ахлоқсизлик, ҳаёсизлик, тажовузкорлик ва бошқа иллатлар инсон ҳаёти, оила мустаҳкамлиги ва ёшлар тарбиясига таҳдид солаётир. Бугунги мураккаб замонда одамзот хушёрликини йўқотмаса, аввало, унинг ўзи кашф этган техник ангилликлар фойда эмас, зарар келтириши мумкин. Энг ёмони, инсонлар ўртасидаги лоқайдлик ва бепарволикдан ғарзли кучлар фойдаланиб, ўзларининг ёвуз ниятларини амалга ошириши ҳеч гап эмас.

– Кимда она Ватанини севиш туйғуси кучли ва имон-этиқоди мустаҳкам бўлса, ўзининг ўтмишини яхши билса, хурматласа, “оммавий маданият” тузоғига тушиб қолмайди. Хулоса ўрнида айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан етук инсонгина ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаши, ўз давлатининг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик



кўрсатиб меҳнат қилиши мумкин, – деди туман имоми Усен Саутбаев. – Пешқадамлик, илғорлик, амал ва ниятларда пок бўлмоқлик, эътиқодга қатъийлик ва бошқалар. Мана шу хислатларни ўзида жам этган ёшлар ҳеч қачон қалтис қадам қўймайди, ёт диний оқимларга эргашмайди.

Марказ раҳбари Тимур Тастанов ҳам дунёвий тармоқдаги маънавий хуружлар ҳақидаги фикрларини илгари сурди.

– Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларида тилга олинаётганидек, дунёвий молиявий-иқтисодий муаммолар асосида бутун дунёда жиноятчилик кўлами ортмоқда. Бугун биз ҳаётимизни компьютер-техникасиз тасаввур қила олмаймиз. Олимлар ҳатто инсон миясидаги фикрни ўқийдиган, уни керакли йўналишга бура оладиган ақлли машиналар, бурютма биологик организмларни вужудга келтиришга қодир сунъий қурилмалар ихтиро қилиш устида ҳам бош қотирмоқдалар. Лекин бу ихтиролар келгусида нимага хизмат қилиши, ёшлар онги ва тафаккурига, одоби ва тарбиясига, Ватан, миллат

олдидаги масъулиятига қандай таъсир кўрсатиши устида камроқ фикр юритилмоқда. Энг ёмони шундаки, лоқайдлик ва бепарволикнинг ўзи бугунги кунда мислсиз хатарга айланмоқда. Ана шундай эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида бугун бутун дунёга “оммавий маданият” тез тарқалиб кетмоқда. Агар ҳар бир одам “оммавий маданият” намуналарида қандай даҳшатли хавф-хатар мавжудлигини сезса, ўзига ўзи “Ахир, инсонийлик мезонларидан узоқ, сохта бундай “маданият” менга қандай наф беради? Унинг турган-битгани зарар эмасми?” деган саволларга жавоб топиб яшаса эди, албатта, хавотирга ўрин қолмаган бўларди. Бунинг учун оиладан бошлаб мактаб, маҳалла ва меҳнат жамоасигача – жамиятдаги барча тарбия институтлари ўзаро ҳамжиҳатликда изчил иш олиб бориши зарур.

Тадбир иштирокчилари тумандаги ёшлар бошқарувидаги корхоналарга бориб, ишчи-хизматчилар билан мулоқотда бўлдилар.

О. РАҲИМҒОЗИЕВ.

Назаримда, курраи заминимиз бугун улкан бир “Титаник” кemasига ўхшайди. Сайёрамизда истиқомат қилаётган миллиардлаб инсонлар эса – унинг йўловчилари. Кема шитоб билан муз тоғи томон елмоқда. Шу кетишда унинг ҳалокатга учраши муқаррар.

Адабиётшунос олим ва маънавий тарғиботчиси Озод Шарафиддинов бу ташбеҳни анча йиллар олдин айтганди. Аммо бу гаплар бугунги кунда янада долзарб мавзу сифатида янграмоқда. Чунки замин виждон ва наслимизнинг бешиги.

Инсон табиатни фойдаланиш манбаи деб билиб, уни асраш бурчини унутиб қўйди. Дарахтларни қирқиб, ҳавони булғади, денгизга чиқиндиларни тўқди. Табиат жим, сабр билан кузатди, аммо энди у огоҳлантириш мақсадида бонг урмоқда. Қурғоқчилик, аномал иссиқлик, музларнинг эриши – булар табиатнинг ноласи.

Озод Шарафиддинов айтган “кемага тушганнинг жони бир” деган фикр бугун инсоният учун огоҳлик кўнғироғидир. Зеро, ер шарида яшовчи ҳар бир инсон бу кеманинг йўловчиси ва мабодо унинг бир тарафида сув пайдо бўлса, бутун кема ғарқ бўлади.

Табиатни асраш – бугун экологик сиёсатга айланди.

Биз XXI асрни – тинчлик, фаровонлик ва инсониятнинг улкан тараққиёт асри бўлади, деб ўйлагандик. Урушлар тўхтаиди, қуруллар овози гўдак кулгусига алмашади, очлик ва зўравонлик йўқолади, деб ишонгандик.

Аммо ҳаёт биз ўйлагандек бўлмади. Инсоният бугун ҳам янги урушлар, янги хавфлар, янги таҳдидлар гирдобиди. Ва энг хавфлиси – бу гал душман ташқарида эмас, биз яшаб турган ерда, ҳатто бизнинг ичимизда.

Бугун олимлар “ҳалокат урушдан эмас, табиатнинг таназзулидан келади”, дея огоҳлантирмоқда. Улар буни эҳтимол сифатида эмас, аниқ мисоллар билан айтишмоқда. Ерда иссиқ кучаяди, ҳаво ифлосланади, сув қуриydi – бу фақат табиат муаммоси эмас, инсон виждонининг ҳам муаммоси.

Агар биз ҳозирдан чора кўрмасак, кейин кеч бўлади. Ҳеч қандай ядро қуроли керак эмас – табиатнинг ўзи бизни жазолайди. Илмий далиллар шуни исботламақда, аммо одамзод, одатдагидек, лоқайдлик танитмоқда.

Олимлар ярим асрдан буён огоҳлантирмоқда, лекин уларни ҳеч қим тингламаяпти. Биз “эртага фақат яхши бўлади” деб ўйлаймиз, аммо



эртамиз бугунгидек бепарволик билан бошланса, у умуман келмаслиги ҳам мумкин. Чунки, табиатнинг сабри тугаяпти.

Илгари Тянь-Шань тоғларининг чўққиларида ёзнинг чилласида ҳам қор қоларди. Қирқ йил аввал чоп этилган газеталарни варақласангиз, бу ҳақдаги далилларга кўзингиз тушади. Шу қадар соф муҳит, шу қадар тоза ҳаво эдики, ҳатто июль ойида ҳам тоғ бошидаги муз эримасди.

Аммо вақт ўтиб, табиат билан инсон ўртасидаги мувозанат бузилди. 1980-йиллардан кейинги иқтисодий инқироз йиллари, тўғридан-тўғри айтганда, тоғларга оғир зарба берди. Тўлебий туманидаги Қасқасу тоғларида кўмир қазиб олиш ишлари бошлангач, минглаб гектар арчазорлар қирқиб ташланди. Бир пайтлар ҳавони тоза-лаб, қорни узоқ сақлаб турадиган арчалар ўрнида тўнқалар қолди.

Арча – тоғнинг нафаси, сувнинг софлиги, қорнинг қалқони. Унинг илдизи ерни мустаҳкамлаб туради, шохлари эса ҳаводаги намликни ушлаб, қорнинг тез эримаслигига ёрдам беради. Аммо арчалар йўқолгач, ернинг қуввати ҳам сўна бошлади. Энди ҳар баҳорда қор эрта эриб, сойлар шовуллаб тўлиб-тошади, қишлоқларни сув босади, кейин эса қурғоқчилик бошланади.

Бу ҳолат ҳам табиатнинг бизни огоҳлантирувчи кўнғироғи. Тянь-Шаньнинг қорли чўққилари лоқайдлигимиз туфайли юз йиллик сукунатини ва табиий тароватини йўқотмоқда. Демак, энди фақат кўмир ёки бошқа қазилма бойликлари эмас, табиатнинг ўзи – энг катта бойлигимиз эканини англаш вақти келди.

Тоғлар биздан ҳимоя қилишни сўрамади, фақат эҳтиёткорона муносабатни талаб қилди. Арчани қайта экиш, тоғ дарахтларини муҳофаза қилиш – келажак авлод олдидаги инсоний бурчимиздир.

Нима учун ўрнига арча экишмаяпти?

Сабаб кўп. Биринчидан, кўп жойларда қайта тиклаш ишлари учун маблағ ва ташаббус етishмайди. Иккинчидан, одамлар табиатга шунчаки захира сифатида қарай бошлаган.

Шу боис, энди фақат ўтмишдаги хатоларни излаш эмас, балки янги ёндашувлар зарур. Ҳар бир қирқилган арчанинг ўрнига камиди учта қўнат экишни одатга айлантириш, ёшлар онгида “Арча — тоғнинг юраги” деган тушунчани энгдириш вақти келди. Бу масала энди экологларнинг эмас, барчамизнинг вазифамиз.

Сенатор Мурат Бахтиярули Бойкўнғир космодромидан баҳор

КУРРАИ ЗАМИН – ВИЖДОН ОЙНАСИ

ойларида ракета учирлиши вақтинча тўхтатишни таклиф қилди. Ушбу таклиф экологик маданият масаласи ҳамдир.

– Сўнгги йилларда Қозоғистонда экология масаласи жамият эътиборидаги энг долзарб мавзулардан бирига айланди. 80 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Бойкўнғир шаҳри атрофида ракета учурилиши билан ҳаво таркиби ўзгаради, шомол кучаяди, тупроқ қуриydi. Демак, фақат экология ёки фан ютуқлари билан эмас, балки табиат билан ҳам тил топилишини ўрганиш вақти келди, – деди у. – Инсон ўз қўли билан яратган ҳар бир иншоот ёки ускуна аввало ҳаёт учун хизмат қилиши керак, уни издан чиқармаслиги лозим. Чунки табиатга қилинган ҳар қандай эътиборсизлик, аслида инсоннинг ўзига қарши қаратилган қадамдир.

Мен Орол ҳақидаги илк огоҳликка сўзларни 1970-йилларда ўқиганман. Москвада чоп этиладиган журналларнинг бирида кўзим беихтиёр бир жумлага тушди ва у бутун умр миямга муҳрланиб қолди: “Агар Орол денгизи қуриб, Ўрта Осиё ярим аср ичида қуёшда ёниб кетган саҳрога айланади”.

Шу ибора миямга ханжардек қадалган, ҳар гал табиатда бир ноодатий ўзгариш бўлса – ёгингарчилик ортиб, баҳор чўзилиб ёки тўсатдан совуқ тушса – “наҳот ўша башорат рўёбга чиқмоқда?” деган хавотир уйғотади.

Олимлар буни илгари ҳам айтган: фақат Орол эмас, балки бутун минтақада экологик ҳалокат хавфи яқинлашаётганини. Улар ечимни ҳам таклиф қилган – сувдан фойдаланиш тартибини янгилаш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ишлаб чиқаришни қайта кўриб чиқиш.

Аммо у пайтда бунга ҳеч қим ишонмади, шу боис таклиф эътиборсиз қолди. Кимдир хавфни англади, лекин тизим уларни гапиртирмади.

Ҳатто Орол қуриб бўлганидан кейин ҳам “Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буриш” каби хомхаёл лойиҳа ўйлаб топилди. Қоғозда гўзал, амал-

да эса – янги ҳалокат. Баъзи виждонли олимлар ва ёзувчилар чиқиб, жамоатчиликни уйғотди. Шу боис лойиҳа амалга ошмади.

Йиллар ўтди, замон ўзгарди. Қозоғистон мустақилликка эришгач, Орол тақдири давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентларимиз халқаро минбарларда Орол фожиасини бутун жаҳон диққатига етказишди.

Комиссиялар тузилди, анжуманлар ўтказилди, мақолалар ёзилди – лекин Оролга гап эмас, сув керак эди.

Орол қуриди – сув билан бирга инсоннинг виждони ҳам қуриди. Табиат биздан жавоб кутаяпти: “Қачон ҳаракат қиласан, инсон?”

Шу савол ҳамон янграмоқда – фақат денгиз бўйида эмас, ҳар бир ҳовлимиз, ҳар бир кўчамиз, ҳар бир инсон қалбида.

Бугунги кунда Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев ташаббуси билан илгари сурилган “Тоза Қозоғистон” лойиҳаси бу маънавий уйғониш ҳаракатидир. У тозаликни фақат атроф-муҳит эмас, балки инсон онги, қалби ва виждонидан бошлаш зарурлигини эслатади.

Чунки табиат – инсон юрагидаги тозаликни ҳам акс эттиради. Агар виждон тиниқ бўлса, сув ҳам тиниқ бўлади. Агар қалб соф бўлса, ҳаво ҳам мусалло бўлади.

“Тоза Қозоғистон” ғояси орқали мамлакатда экологик маданиятни юксалтириш, ҳар бир инсонни табиатга, муҳитга ва ўз ҳаётига масъулият билан ёндашиш йўлида дадил қадам қўйилди. Бу ташаббус кўчалар, дарё ва тоғларни тозалашга, шу билан бирга, қалбларни тозалашга, фикрларни янгиллашга, тизимлашга онгини уйғотишга хизмат қилади.

Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик таназзул биз учун оғриқли дарс бўлди. Энди буни такрорламаслик – келажак авлод олдидаги бурчимиз.

А. АБДУҒАТТОҲ.



САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ ЮТУҚЛАРИДА АКС ЭТМОҚДА

Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида туғилиб-ўсган, бугунги кунда эса Астана шаҳрида фаолият юритаётган ҳамюртимиз Ғулмжон Жуманов хусусий клиника раҳбари ҳамда Астана шаҳри ўзбек этномаданият бирлаш-маси раиси ўринбосари сифатида фаолият юритмоқда. У бугун тахририяти-миз меҳмони, ҚХАнинг 30 йиллиги муносабати билан тақдирланган.

Тиббиёт соҳаси фаоли си-фатида Ғулмжон Иристой ўғ-ли “Ижтимоий тиббий сугурта жамғармаси” НХЖнинг Астана шаҳридаги идорасида Аҳолини ахборотлаштириш ва мурожаат-ларни кўриб чиқиш бўлимини бошқарган. Шу муносабат бил-лан суҳбатимиз тиббий сугурта тизимининг моҳияти ҳақида бўлди.

– Қозоғистон тиббий су-ғуртасига қисқача изоҳ бериб ўтсангиз.

– Қозоғистонда Ижтимоий тиббий сугурта жамғармаси (ИТСЖ) 2016 йилда ташкил этилган бўлса, 2020 йилда Мажбурий ижтимоий сугурта тизими (МИСТ) жорий этилди. Сугур-тадан аҳолига нима фойда, умуман, бу тизим нима учун ташкил этилди, деган саволлар кўп берилади. Авваламбор, шу йўл билан давлат барча сугур-таланган фуқароларига жинси, ёши, ижтимоий маъқеи, яшаш жойи ва даромадидан қатъина-зар, тиббий ёрдамдан тенг фой-даланишни кафолатлайди. Ҳар бир фуқаро энди ўз хоҳишига кўра, давлат ёки хусусий тиббий муассасасини танлаш ҳуқуқига эга. Мажбурий сугурта тизими-да фуқаролар бадал тўлайди, лекин улар орасида имтиёзли тоифа ҳам мавжуд. Улар тиббий хизматдан бепул фойдалана-дилар.

– Имтиёзли тоифага кимлар кирadi?

– Улар қаторига болалар, “Алтын алқа”, “Күмис алқа” бил-лан тақдирланган ёки илгари “Қаҳрамон она” унвонини олган кўп болали оналар, шунингдек, I ва II даражали “Она шухрати” орденлари билан тақдирлан-ганлар, УВУ қатнашчилари ва ногиронлари, ногиронлар, иш-сизлар, мактаб-интернатларда ўқийтган шахслар, касб-ҳунар билим юртлари, олий таълимда кундузги бўлим талабалари, бола туғилиши ва уч ёшга тўл-гунга қадар уни парвариш қи-лишдаги шахслар, ишсиз ҳоми-ладор аёллар, нафақадорлар, жазосини махсус муассасалар-да ўтаётган шахслар, ҳарбий-лар, махсус давлат идоралари ходимлари ва ҳуқуқни муҳофа-за қилиш органлари ходимлари кирadi.

– Иш берувчи ходимининг сугуртасига тўлов ўтказаяпти-ми, йўқми, буни қандай аниқ-лаш мумкин?

– Буни бир неча йўл билан аниқлаш мумкин. Энг қулай усул интернет орқали ёки жамғарма филиалига расмий сўров йўл-лаш. Агар бу йўл билан натижа чиқмаса, фуқаро 2020 йил ян-вардан бириктирилган шифохо-насига мурожаат қилиши мум-кин. Аввало, сугурта макomini текшириш зарур. Qoldau 24/7, Telegram-bot @SaqtandugyBot иловаси, ИТСЖнинг расмий веб-сайти (msqorgy.kz) ёки Egov.kz, Kaspi.kz, Halyk Bank орқали ҳам маълумот олиш мумкин. Агар шулар орқали ҳам муаммо ҳал бўлмаса, 1414 – ягона ало-қа марказига мурожаат қилиш ва яшаш жойидаги жамғарма филиалига ташриф буюриш мумкин. Тўловларда хатолар бўлса, Аҳолига хизмат кўрса-тиш марказига (ЦОН) бориш ке-рак. Шахсий гувоҳнома ва ИИН талаб этилади, холос.

– Кафолатланган тиббий хизматдан фойдаланиш жа-раёнида аҳоли кўпроқ қандай муаммоларга дуч келмоқда?

– Асосий муаммо шифокор-лар қабули ва диагностика бў-йича навбатларнинг катталиги. Айниқса, тор мутахассислар қабули учун тирбандлик мав-жуд. Шунингдек, айрим давлат шифохоналарида дори-дармон тақсимланишида ёки тиббий буюмлар билан таъминланиш-да муаммолар мавжуд. Бу эса беморларнинг айрим қолларда уларни ўз пулига харид қилишга ёки хусусий клиникага мурожаат қилишга мажбур этиди.

– Илгари тиш огриги бундай долзарб муаммо эмас эди. Хо-зир бу борада шикоятлар кў-пайди. Жамғарма ҳисобидан кимлар стоматологик ёрдам олишлари мумкин?



– Болалар ва ҳомиладор аёллар стоматологик ёрдамдан бепул фойдаланишади. Шош-линч ёрдам 18 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор аёллар, УВУ фахрийлари, ногиронлар, кўп болали оналар, манзилли ижтимоий ёрдам олувчилар ва кекса ёшдаги нафақадорлар, юқумли, ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар билан хаста-ланган беморлар, ногирон бо-лага ғамхўрлик қиладиган шахс-ларга кўрсатилади. Айрим пла-стик жарроҳлиги ҳам жамғарма ҳисобидан амалга оширилади. Масалан, Астанада 60га яқин тиббий муассаса (асосан хусу-сий клиникалар) стоматологик хизматларни амалга оширади.

– Беморни кўллаб-қувват-лаш ва ички экспертиза хи-змати ҳақида айтиб ўтсангиз.

– Бу хизмат тиббий ёрдам сифатини ошириш ҳамда бе-морлар муаммоларини жойида ҳал қилиш учун барпо этилган. “Шу жойда ва ҳозир” тамойили асосида ишлайди. 5 кун ичида беморнинг муаммоси ҳал қи-линади. Арз-шикоятлар, эъти-розлар кўриб чиқилади, тиббий ёрдам сифати баҳоланади, ходимларга сифат ва андоза қонун-қоидаларини ўргатади. Ва асосийси, кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажми ҳам-да мажбурий сугурта тизимини назорат қилади. Агар бемор ёки унинг қариндошлари сифатсиз тиббий ёрдам ёки ходимларнинг кўпол муомаласи, пора талаб қилиши ёки бошқа ҳуқуқбузар-ликларга дуч келса, Damumed иловасида ёзув қолдиришлари мумкин.

– Сиз талаба-ёшларга маъ-рузалар ҳам ўқиб турасиз. Улар қайси мавзуларга кўпроқ қизиқиб билдирмоқда?

– Ижтимоий тиббий сугурта жамғармасида фаолият юритган-нимда, тушунтириш ишларини кўп олиб бордим. Менинг ау-диториям нафақат талабалар, балки тиббиёт ходимлари, таш-килотлар раҳбарлари, шунинг-дек, таълим, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, савдо, IT технологиялари, молия, қури-лиш, кўчмас мулк ва энергетика соҳалари вакилларини ҳам ўз ичига олди. “AMANAT” партияси, “Атамекен” Миллий тадбир-корлар палатаси, шунингдек, ҳокимлик биносида мажбурий ижтимоий сугурта масалалари бўйича фуқароларни қабул қи-лиш учун жамоат қабулларини ташкил этардик. Фаолиятимизга оид барча маълумотлар веб-сайтларда, шунингдек расмий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

– Мухлисларимизга ўзингиз ҳақингизда гапириб берсан-гиз.

– Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғида туғилганман. Мак-табдан сўнг Қарағанди Давлат Тиббиёт Университетида (ҚДТУ) тахсил олдим. Мутахассисли-гим – жарроҳлик. Меҳнат фао-лиятимни 2009 йилда Балхаш шаҳридаги “Марказий касалхо-на”да жарроҳлик бўлимида жар-роҳ сифатида бошладим. Сўн-ра ўзим ўқиган университетда

Топографик анатомия ва опера-тив хирургия курсида (Анатомия кафедраси ассистенти) билим ва тажрибамни мустаҳкамла-дим. 2012-2014 йиллари Астана тиббиёт университетида 1-сон-ли жарроҳлик касалликлари кафедраси ассистенти, Астана шаҳридаги 2-сонли шаҳар ка-салхонасида жарроҳ сифатида фаолият юритдим. 2015-2018 йилларда ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Республика Соғ-лиқни сақлашни ривожланти-риш маркази”, “Республика тиб-бий ёрдамни такомиллаштириш маркази”да турли бўлимларда менежер, етакчи мутахассис, бош мутахассис, бошлиқ сифа-тида ишладим. Кейин фаолия-тимни Ижтимоий тиббий сугурта жамғармасида бош тахлилчи, бўлим мудири сифатида давом эттирдим. 2025 йил бошидан хусусий клиникада бошқарувчи директорман.

Бундан ташқари, Тиббий хиз-мат заҳираси лейтенанти, Ўз-бекистон Республикаси Пре-зидентини сайловида халқаро кузатувчи, VI-VII қақирқ ҚР Парламенти Мажлиси депу-татининг жамоат ёрдамчиси, Астана ўзбек этномаданият маркази раисининг ўринбосари сифатидаги вазифаларимда ҳам самарали фаолият олиб бормоқдаман.

– Меҳнатингизнинг самара-си сифатида кўплаб мукофот-ларга сазовор бўлгансиз...

– ҚР Президентининг 2019 йилдаги Президентлик сайлов-ларида сайловолди ташвиқо-тида фаол иштирок этганим учун Ташақкурнома билан тақ-дирландим. Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришдаги ҳиссам учун ҚР Соғлиқни сақ-лаш вазирининг фахрий ёрли-ғи, тиббий сугурта соҳасидаги фаоллик учун икки марта “Еңбек сиңирген қызметкер” медалли, ҚР Парламенти Мажлиси Раи-сининг, “AMANAT” партияси Раисининг ташақкурномалари, Қозоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамиятининг “Дўстлик” ме-далли, ҚР Президентининг Фар-мони билан “Қозоғистон халқи Ассамблеяси 30 йил” юбилей медалли билан тақдирландим.

– Ассамблея аъзоси сифа-тидаги фаолиятингиз ҳам эъ-тиборга молик.

– Астана шаҳар ЎЭМБдаги фаолият, жумладан, бу йилги ишларимизнинг барчаси ҚХА-нинг 30 йиллигига бағишлан-моқда. Пойтахтдаги “Дўстлик уйи” учрашувлар, тадбирлар, танловлар, анжуман ва фести-валлардан бўшамаяпти, деяр-ли. Айни кунлардаги тадбирла-римизни Uz_astana, uzbek.kz, kz.drujba, sherzod_a_pulatov ва Ассамблеянинг бошқа сайтла-ридан томоша қилиш мумкин.

Жорий йил апрель ойидаги юбилей медалъ нафақат ме-ники, балки Шерзод Пулатов раҳбарлигидаги бутун ЎЭМБ жамоасининг шарафли меҳнати маҳсулидир.

– Ишларингизга омад, сух-бат учун раҳмат!

Н. МАВЛОНОВА.



»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Бугун Қозоғистон халқи Ассамблеяси мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлиқни таъминлашда муҳим ижтимоий тизимга айланди. У турли этнослар ягона мақсад йўлида вакилларини бир-лаштириш билан бирга, ёшлар, айниқса, талабалар учун сиёсий ва ижтимоий фаоллиқни ривожлантириш мактаби сифатида тараққий этмоқда.

ЯНГИ ДАВР МУТАХАССИСЛАРИ

Шимкент шаҳар ҚХА қо-шида ўтказилган тадбирда фаол ёшларимиз орасида Шимкент шаҳар ЎЭМБ аъзоси Шаҳнозабону Жоналиева каби иқ-тидорли ва ватан-парвар қизлари-мизнинг иштирок этиши диққатга сазовор бўлди. Унинг соф қозоқ тилидаги маъруза-си ййигиланларга илҳом бағишлади. “Мен учун Қозоғис-тон – она юртим, шу билан бирга, келаже-гимнинг кафолати, юра-гим парчаси. Ватанимизда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи ҳимояланган, тараққиёт учун кенг йўллар очик. Бу – мус-тақиллик, бирдамлик ва то-тувлигимиз самарасидир. Илм ва меҳнатимиз билан юртимиз тараққиётга ҳисса қўшамиз, халқимизнинг садо-қати ва бирлиги билан дунёга танитамиз”, дея таъкидлади Шаҳнозабону ўз чиқишида.

Ш. Жоналиева замонавий билим, ватанпарварлик ва миллий ифтихорни ўзида мужассам этган ёш авлод ва-киласи. У 2005 йили Тўлебий тумани, Султонработ қишло-ғида таваллуд топди. Ленгер шаҳридаги 5-сонли гимна-зияда таълим олди. Оилада 4 нафар фарзанднинг тўнғичи. Волидаи муҳтарамаси Лато-фатхон Ниёзова – уй бекаси. Падари бузруквори Мансур-бек Ашропов Тўлебий тумани ҳокимлигининг иқтисодиёт ва молия бўлими раҳбари. У 2023 йили Жанубий Қозоғис-тон Тиббиёт академиясининг умумий тиббиёт факультети-га ўқишга кирди. Айни дам-да 3-босқич талабаси, олий таълим муассасасининг ин-глиз тили бўлимида тахсил олмоқда. Уқаси Шоҳруҳ сто-матология соҳасини танлади, Тошкент Тиббиёт Академия-



на, шу йўлдаги барча синов-лар, мушкулликларни енгиб ўтишга бор куч-қувватимни сарфлайман.

– Жамоат ишларидаги фаоллик сизни қийнаб қўй-маяптими?

– Аксинча, жамоат ишлари менга руҳий куч беради. Жа-моат ишларида одамларни тинглашни, уларнинг эҳтиё-жини англашни ўрганаман. Бу кўникмалар насиб этса, ши-фокор сифатида менга аско-тади, албатта. Академиямиз-да турли миллат фарзанд-лари тахсил олишади. Бизда хиндистонлик талабалар ҳам таълим олишади. Биз уларга давлат тилини ўрганишда ёр-дам берамиз, дебатлар ҳам ташкил этамиз. Ўрганаётган тилни суҳбат асносида, турли мавзулардаги фикр алма-шувлар орқали ривожлан-тириш муҳим аҳамиятга эга. Академиямизда қозоқ, рус ва инглиз тилларида сабоқ беришади. Бу талабалар учун янги имкониятларни тақдим этади. Мен фаолият юрита-диган тили бўлимида тахсил олишда 2021 йили тузилган. Уч йилдики, ҚХА ташаббуси билан ўтказилаётган тадбир-



сида тахсил олмоқда. Қизиги шундаки, сулоласида аввал шифокорлар бўлмаган. Фар-зандлар илмга ва жамиятга фойда келтириш иштиёғи билан ушбу масъулиятли касбни танлашди. Шифокор Жоналиевлар сулоласининг бош бўғинлари бўлишни мақ-сад қилишган. Талаба Шим-кент ҚХА билан ҳамкорлик қиладиган ЖКТАнинг “Бірле-су” миллатлар ҳамжиҳатли-ғи ташкилотининг раисаси. Шимкент шаҳар “Ассамблея ёшлари” ташкилоти, ЎЭМБ ёшлар қаноти фаоли.

– Мен учун тиббиёт, ав-вало, мурувват рамзидир, – дейди Шаҳнозабону. – Бу касб инсон зиммасига улкан масъулият, шарафли бурчни юклаган мутахассисликдир. Афсуски, кўп ёшлар бизнес соҳасида фаолият юритишни хоҳлайди. Бизнинг соҳа-ми-да таълим олиш учун умри-мизнинг қатор йилларини сарфлашимиз жоиз. Шифо-корлик касбини даромад ман-баи сифатида танламадим, орзуимни моддият билан боғламадим. Аксинча, ҳа-мюртларимга ёрдам берай, уларга ҳолатбабон бўлай, оғирини енгиб қилай, деган умид билан танладим. Ва ма-

ларда иштирок этаман. Қозоқ тилини билмайдиганларга махсус курслар ташкил қи-линади, тил билан бирга, урф-одатлар, анъаналарнинг ҳам кенг тарғиботи йўлга қў-йилган. “Mөmile” дебат клуби, “Тилларни ўқитиш услубият маркази” ҳамда Ижтимоий тотувлик муассасаси ходим-лари билан тигиз алоқада фаолият юритамиз. Қозоқ тилини чуқур ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш бораси-даги ташаббуслар, айниқса, ёшлар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Тил билан бирга, халқнинг руҳи ва мадания-тига бўлган эҳтиром туйғуси ҳам мустаҳкамланиб борае-ради.

– Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқдасиз. Бу борада руҳий таянчин-гиз, илҳом манбаингиз ни-мада деб ўйлайсиз?

– Ҳар бир ишимни пада-ри бузрукворим ҳамда волидаи муҳтарамамнинг дуолари би-лан бошлайман. Улар мен учун ҳаёт мактаби, маъна-вий таянч ва руҳий қувват манбаидир. Шу билан бирга, устозимдан олган билимла-римини амалда қўллаш, мута-хассис сифатида камол то-

пишимда турли жамоат таш-килотлари ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирлар муҳим аҳамият касб эта-ди. Улар биз, ёшлар-ни маънавий, илмий ва касбий жиҳатдан юксалтиради. Эри-шайтган ҳар бир муваффақияти замирида ота-она меҳри ва улар сингдирган меҳнат-севарлик, масъу-лият ҳисси мужас-сам ҳаётимиздаги муҳим қарорларни қа-бул қилишда уларнинг ишончи ва дуолари менга руҳий қувват бағишлайди.

– Давлат раҳбарининг жорий йилги Мактубида ёшларнинг илмий салоҳия-тини ривожлантириш, улар-ни тадқиқот ва инновация жараёнларидаги иштироки масаласига алоҳида урғу берилди. Сиз бу ҳақда қан-дай фикрдасиз?

– Президентимиз Мактуби сунъий идрокдан самара-ли фойдаланиш, рақамли ислохотларни жадаллашти-риш мавзуларига бағишлан-ди. Давлат раҳбари ёшлар онгида ватанпарварлик ту-шунчаси янги мазмун касб этаётганини ҳам алоҳида таъкидлади. Замонавий тех-нологияларни ўзлаштириб, халқимизни илгор фикрли миллатлар сафидан жой оли-ши учун интилишимиз жоиз. Айнан мазкур интилиш – ҳа-қиқий ватанпарварлик, яъни жамият онгидаги янгиланиш-нинг ёрқин ифодаси.

Яқинда Шаҳнозабону ҚР ёшлар сиёсатининг ривожига кўшган ҳиссаси ва жамоат ишларидаги фаол иштироки, етакчилик қобилиятини на-моён этгани учун ҚР “Bilim-okeniet” миллий инноваци-вий илмий-тадқиқот маркази-нинг “Қозоғистоннинг энг яхши талабаси” кўрак нишо-ни билан тақдирланди. ЖК-ТАнинг “Энг яхши ташкилот раҳбари 2025” номинацияси совриндори, Марказий Осиё таълим инновациялари ҳам-да трансформация соҳасида-ги тадқиқотлар марказининг Назарбаев Университети Тиб-биёт мактаби билан ҳам-корликдаги семинарларида иштирок этиб, сертификатлар соҳиби бўлди. Тошкент фар-мацевтика институтида ўтган илмий-амалий анжуманда иштирок этди, 2-даражали дипломга сазовор бўлди. Жа-моат ишларидаги фаолияти учун Шимкент шаҳар ҳоким-лиги, ҚХАнинг фахрий ёр-лиқлари, ташақкурномалар билан тақдирланган.

Шаҳнозабону серкирра иқ-тидор соҳибаси. Мактабда таълим олиш баробарида 12 йил спорт бал рақсининг сир-асрорларини ўрганди. Муסיқа мактабининг форте-пиано ҳамда гитара синфида таълим олди. Унинг иқтидори жамоат ишларида роса кўл келяпти. ҚХАнинг 30 йиллиги-га бағишлаб, талабаларнинг кўкаламзорлаштириш ва обо-донлаштириш тадбирлари-га ташаббускор бўлди. Кам таъминланган оилалар фар-зандлари учун уюштирилган тадбирларда бош-қош бўлди. “Тоza Қозоғистон” экологик акцияси, турли этносларнинг миллий байрамлари, “Миллий либослар фестивали” ва шу каби анъанавий тадбирлар Шаҳнозабонусиз ўтмайди.

Жамоат ишларини илмий изланишлари билан уйғун олиб бораётган Шаҳнозабону бугунги кунда нанкин билим-ли, балки юксак маънавиятли ва инсонпарвар авлод ваки-ласидир. Унинг ҳаётий шиори – аждодлар қолдирган маъ-навий меросни асраб, замо-навий илм билан бойитиш ва келажакда эл қорига хизмат қилиш.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»» Жамоат ва давлат арбоби Ўзбекали Жанибеков таваллудининг 95 йиллиги олдидан

БУГУНГИ КУН – ЭРТАГА ТАРИХ

Саврон туманидаги Дилмира Файзиёва раҳбарлик қилаётган Ўзбекали Жанибеков номли мактаб жамоаси келаси йили 95 йиллиги нишонланадиган давлат ва жамоат арбоби таваллуд кунига тайёргарлик кўрмоқда.



Мактаб ҳовлисида ўрнатилган ёдгорлик ҳақида директорнинг тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари Эргашбой Жўрабой ўғли қуйидаги маълумотларни баён этди.

– Ҳайкални ишлатишга пухта тайёргарлик кўрдик. Бу ишда жамоат арбоби Ў. Жанибековнинг қариндоши, яъни невараси Серимов Нуржан Абенули маслаҳати билан моҳир ҳайкалтарош, вилоят ҳайкалтарошлар уюшмаси аъзоси Қўсжанов Мергенбай Ескендирулига му-

рожаат этдик. Бюст мактабимиз ҳовлисидаги УВУ иштирокчилари монументал ёдгорлиги ёнига ўрнатилди. Келаси йили Ўзбекали Жанибеков таваллудига 95 йил тўлади. Ёшларни ватанпарварлик, кадрдон юртга муҳаббат руҳида тарбиялашда бу инсоннинг босиб ўтган ҳаёт йўли ва фаолияти кўпчиликка ибрат. Кўпчиликдан тўпланган маблагини тежаб, ўринли ишлатдик. Бюст пойдевори ва ўзини ўрнатish учун икки кунлик ҳашар эълон қилиниб, унга директорнинг ҳўжалик ишлари бўйича ўрин-

босари Ихтиёр Йўлдошев, қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Нурмат Бобошев, ўқитувчилар Эркин Алихонов, Оллоберган Юнусов, Фаррух Юнусов, Ғайрат Бобохонов, Улуғбек Ўқасовлар муносиб ҳисса қўшдилар. Бугунги кун – эртага тарих.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: ёдгорликни тайёрлашга ҳисса қўшган ҳамюртларимиз Ў. Жанибеков бюст ҳайкали пойида; мактаб устозлар жамоаси.

Жасоратга таъзим

Инсонни халқнинг хотирасида сақлаб турадиган энг улук куч – бу ватанпарварлик ва жасоратдир. Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган, уларнинг мардлиги ва фидойилиги янги авлодлар учун ибрат мактабига айланган.

Бугун ҳам номи Улуғ Ватан уруши саҳифаларига битилган сайрамлик қаҳрамонларни эслаш – уларга эҳтиромимиз, бурчимиз, ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашнинг энг таъсирли йўлидир.

УРУШ УНИ БИР КЎЗИДАН АЙИРДИ, АММО ИРОДАСИДАН ЭМАС!

1942 йилда Нурали Ниёзалиев ҳарбий хизматни Ўзоқ Шарқ чегарасида ўтади. Бир йил ўтмай, у Ғарбий фронт таркибидаги Брянск қўшинлари билан бирга душманга қарши жангга кирди. 33 ёшли пулемётчи Н. Ниёзалиев Ватан озодлиги учун шиддатли жангларда жасорат кўрсатди. У Орёл шаҳри учун бўлган шиддатли жангга оғир жараланди. Беш ой давомида Горький шаҳридаги госпиталда даволаниб, яна фронтга қайтди. Кейин Ленинград мудофаасида, Псков шаҳри учун бўлган жангларда зенитка артиллериясида хизмат қилди. Ҳаво ҳужумларига қарши кўрсатган жасорати учун Нурали Ниёзалиев “Жасорати учун” медали билан тақдирланди. У Эстония учун бўлган жангларда ўнг кўзидан жараланди. Бир кўзидан айрилган жангчи Ниёзалиев 1945 йилнинг кўклагимида она қишлоғи Сайрамга қайтиб келади.

У фронт майдонларида кўрсатган жасоратлари учун орден ва медаллар билан тақдирланди. Нурали Ниёзалиевнинг номи авлодлар қалбига мангу барҳаётдир.

ҒАЛАБАНИ БЕРЛИНДА КУТИБ ОЛГАН ПУЛЕМЁТЧИ

Султонали Ниёзалиев 1943 йил 18 ёшга тўлагач, ҳарбий армияга қақирилди. Петропавловскда ҳарбий таълим курсини ўтаб, 1944 йил январь ойда I Белоруссия фронти сафида жангга кирди. 370-ўқчилар дивизиясининг 1232-ўқчилар полки, 1-батальон таркибиде ўқчи-пулемётчи сифатида жангларда иштирок этган С. Ниёзалиев Ковель шаҳри атрофидаги фашистлар мудофаасини ёриб ўтади, Украина, Белоруссия ва Польша ерларини фашист босқинчиларидан озод қилишда иштирок этди.

1945 йил Ниёзалиев ва унинг қурбондош дўстлари Германия чегарасига етиб бориб, Одер дарёси бўйидаги Франкфурт шаҳрини ишғол қилдилар. Ҳаёт-мамот жангида сайрамлик пулемётчи ҳам кўплаб жасоратлар кўрсатди. Шу йил 16 апрель куни ҳужумга ўтган қўшин сафиде Султонали Ниёзалиев ҳам бор эди.

Ғалабани Берлинда кутиб олган жангчининг кўксини I даражали “Ватан уруши” ордени ва бир неча жанговар медаллар бебаб турарди.



1948 йил март ойида ҳарбийдан қайтган Султонали Ниёзалиев Тошкент шаҳридаги педагогика институтини тамомлаб, Ал Форобий (собиқ Фрунзе) умумтаълим мактабиде математика фанидан сабоқ бериб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшди. Устоз-жангчи 1990 йил 17 июль куни вафот этган.

ҚИШЛОҚДАГИ ИЛК ТИББИЁТ ХОДИМИ ЭДИ

Сайрам қишлоғидаги биринчи тиббиёт ходими бўлиб фаолият юритган Шодмон Норхўжаев 1937 йил, 23 ёшида армия сафига қақирилади. Дастлаб у Финляндия урушида қатнашиб, яна қишлоғига қайтади ва фельдшерлик фаолиятини давом эттиради. Аммо у қишлоқдан кўра, фронтда керакли эканлигини ҳис этиб, жанг майдонига отланади. Дастлаб Ленинград, Волхов фронтиде фельдшер сифатида жангчиларга ҳаёт бахш этди. 1944 йил январда Новгород ва Карелия фронтиде хизмат қилди. Кўрсатган жасорати учун у “Қизил Юлдуз” ордени ва қатор жанговар медаллар, Бош қўмондоннинг ташаккурномаси билан тақдирланади.

Ҳарбий хизматдан ғалаба билан қайтган Шодмон ота тинч-фаровон кунларга шуқр келтириб, аҳоли саломатлиги йўлида сидқидилдан кўп йиллар хизмат қилди, эл этиборига сазовор бўлди.

Ш. Норхўжаев 1984 йил апрель ойида вафот этган.

М. УСМОНОВА.



НУРОНИЙЛАРГА ҲУРМАТ – АВЛОДЛАРГА ИБРАТ



Қорамурт қишлоғида Қариялар кунига бағишланган тантанали тадбир ўтди. У қишлоқ ҳокими М. Нажиёв ташаббуси билан ташкил этилди. Байрамда қишлоқ оқсоқоллари, онахонлар ҳамда қўшни қишлоқлардан ташриф буюрган нуронийлар, жами 500 нафардан зиёд аҳоли иштирок этди.

Қариялар учун ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида байрам дастурхони ёзилиб, эъзоз ва эҳтиром кўрсатилди. Шунингдек, маҳаллий санъаткор ва ижодкор ёшлар томонидан тайёрланган концерт дастури барчага кўтаринки кайфият улашди.

Тадбирдан кўзланган мақсад – нуроний авлоднинг юрт тараққиёти йўлидаги хизматларини қадрлаш, уларни ёшларга ибрат намунаси сифатида тарғиб этиш ҳамда жамиятда “Қарияга ҳурмат –

инсонийлик бурчи” деган эзгу ғояни янада мустаҳкамлашдан иборат эди.

Дарҳақиқат, қарияларга эҳтиром кўрсатиш – халқимизга хос улуғ фазилат. Қишлоғимизда ўтган мазкур байрам тадбири ана шу қадриятларнинг амал ифодаси бўлди. У қариялар қалбига қувонч бағишлаб, ёшларга эса ибрат туйғусини улашди.

Марҳабо КЕНЖАБОВЕВА,
Қорамурт қишлоқ
кутубхоначиси.

»» Сафар таассуротлари

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

Ўзбекистоннинг машҳур шоири Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” номли асарини ёдга олайлик. Вафот этган икки дўстнинг жаннатга киришлари учун ҳар иккаласида икки пайса савоб ишлари етишмай қолади. Шунда улар “Мени қўявер”, сенинг жаннати бўлишинг учун етмай қолган икки пайсани мендан ол, мендан ол”, деб бир-бирини қиёлмай талашиб турганида ғойибдан келган: “Сенларнинг дўстга бўлган садоқатларинг туфайли, иккаларининг ҳам етмай қолган савобларингга қарамай жаннати қилдим”, деган овоз туфайли дўстлар жаннати бўлади. Менимча, садоқатли дўстликка бундан ортиқ изоҳ бериб бўлмаса керак.



Дарҳақиқат, дўстликда гап кўп. Дунёдаги туркий халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталарининг мустаҳкамланиб бораётганлиги, хусусан, Қозоғистон ва Ўзбекистон Президентларининг оқилона сиёсатини мисол келтириш мумкин.

Яқинда Ўзбекистоннинг жавоҳири Фарғона водийсининг қоқ марказида жойлашган темир йўлчиларнинг “Чимён” санаторийсида шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Барча қўлайликларга эга бўлган ушбу сиҳатгоҳда бир пайтнинг ўзида 400 нафарга яқин кишилар дам олади. Ҳаммаёқ ораста, гулзор. Айниқса, соғлиқни сақлаш ходимларининг хушмуомалалигини айтмайсизми? Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган дам олувчилар ўз юртида юргандай бемалол хушқайфият билан соғлиқларини тикламоқдалар. Ҳеч қандай чеклашлар йўқ. Илғирлиги, четдан келганлар, маълум миқдорда устама маблағ тўлаши тартиби ҳам беқор қилинган. Дам олиш баҳоси унчалик қиммат эмас. Бир кунга 270 минг сўмдан 500 минг сўм атрофида. (пул нисбати 1 тенге – 25 сўм атрофида).

Мазкур саломатлик маскани маъмурияти ташкилотчилигида дўстлик кечаси ўт-

казилди. Унда ўзбекистонликлар билан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россиядан келган меҳмонлар ниб бораётганлиги, хусусан, Қозоғистон ва Ўзбекистон Президентларининг оқилона сиёсатини мисол келтириш мумкин.

Қозоқ, қирғиз, тожик, татар ва бошқа миллат вакиллари сўзга чиқиб, бу ерда дам олаётганликларидан мамнун эканлигини тўлқинланиб гапиришди. Тадбирда Фарғона давлат филармонияси санъаткорларининг турли тилларда ижро этган кўшиқлари ва янграган дирабо куйлар даврага ўзгача фойз киритди. Йиғилганлар бир-бирлари билан янада яқиндан танишиб, алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида келишиб олдилар. Санаторий маъмуриятига барча ўз миннатдорчиликларини билдирди.

Тошкент Давлат университети филология факультетини 1973 йили тугатган собиқ курсдошларнинг учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

Бундан 52 йил аввал мактабни эндигина тугатган йи-

гит-қизлар ҳаётда ўз ўринларини топиб, халқ маорифини юксалтириш йўлида хизмат қилишиб, айримлари ҳордиққа чиқиб, муборак ҳаж сафарларини адо этиб келган ва ҳаётларидан мамнун эканликлари кўзларидан сезилиб турган, набира ва эвараларининг суякли буви ва буваларига айланган табаррук инсонларнинг ҳаяжонларини сўз билан таърифлаш қийин.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан, Туркистондан келган камина талабалик – олтин даврга қайтгандек бўлди.

Талабаликнинг ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган олтин дамлари мароқ билан ёдга олинди. Ўтиб кетган устозлар ва курсдошлар руҳи покларига Қуръон оятлари бағишланди. Бугунги учрашувда ҳозир бўлган 23 нафар курсдошларни студентликда қурбондош бўлган сирдарёлик Омон Товбоев тақлиф этди. Беш йил давомида бирга ўқиб, дўстлашган курсдошлар бир-биримизни қиёлмай, хайрлашдик.

Қодир АҲМЕДОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

Тасвирда: собиқ курсдошларнинг 52 йилдан кейинги учрашуви.

»»» Одобнома

Қозоғистон ва Ўзбекистон мамлакатлари орасидаги муносабатлар бутун дунёда намуна қилиб кўрсатишга арзигulik.

Ер юзида зиддиятлар авж олаётган бир пайтда Қасим-Жўмарт Тўқеев ва Шавкат Мирзиёевларнинг сиёсий тандеми Марказий Осиёни энг хавфсиз, гуллаб-яшнаётган, дўстона ҳудудга айлантиришга интилаётгани барчага аён.

Қозоқ ва ўзбек халқларининг яқин дўстлиги, умумий жиҳатларимиз жуда кўп: анъаналар, урф-одаатлар, маданият, ошхонамиз, исмлар, тарих, дин ва меҳмондўстлигимиз, деярли ўзгаришсиз.

Ҳатто таълим-тарбия, ёш авлод камолотига муносабатларимиз ҳам муштарак. Шу муносабат билан Ўзбекистондаги Чирчиқ давлат муаллимлар университети катта ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси Нафиса Озодбек қизининг қаламига мансуб долзарб мавзудаги «Фарзанд камолоти – ота-онанинг бахти» мақоласини сиз азиз муштарийлар ҳукмига ҳавола қилмоқдамиз...

Абу Али ибн Сино “Шарқ адабиёти кўпроқ насихат билан, Ғарб адабиёти эса ҳаётни реал кўрсатиш орқали кишини тарбиялашга мойил”, деган эди. Ҳақиқатан, адабиётимиз инсон тақдирига жавобгар, огоҳлантирувчи адабиётдир. У инсонни маънавий, руҳий балоғатга тинимсиз интил, бироқ камолотга етдим, деб тўхтаб қолма, дея огоҳлантиради.

Баъзи олимлар “Комил инсон” атамасининг ишлатилишини илк сўфий олимлардан бири Боязид Бистомийга нисбат берадилар, у киши Аллоҳ ишқи йўлида ормфиқ макомига етган инсонни “ал-инсон ал-комил” деб атаганлар. Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, комил инсон мавзусини биринчи бўлиб Муҳиддин ал-Арабий тадқиқ қилган. Ул зотнинг эътиқодларига кўра, фақат Худо билан бириккан фазилатли инсонгина комил бўла олади.

Алишер Навоийнинг комил инсонга доир талаблари ушбу қарашларни инкор этмаса-да, бироз соддароқ ва умидбахшидир. Навоийнинг айтишича, одам ўз ахлоқидаги ёмонликларни бартараф қилиш билан жиҳдий шугўлланса, имонли, инсофли бўлса, бу дунё бойликлари, зебу зийнатлари билан фахрланмаса, ақли ва кўнгли нафсдан озод бўлса, шубҳасиз, комиллик даражасига етади. Комил инсон умрини Ҳаққа, халққа бағишлайди. Халқ унинг меҳнатининг қадрига етмаса ҳам, бошига бало тошларни ёғдирса ҳам, танлаган йўлидан қайтмайди, халқни комилликка бошлайверади.

Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳат – Нодир-у олий асоси коинот.

Барчасидин ашрафқ ул инсон эрур, Ким камолдида хирад ҳайрон эрур.

Алишер Навоий барча асарларига бош мавзу қилиб комил инсонни тарбиялашни танлади. Ўғил фарзанд тарбиясига отани, қиз фарзанд тарбиясига эса онани масъул, деб билди. Комил фарзандни тарбиялашга масъул ота-она қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини меҳрибон оталар, оқила оналар тимсолида кўрсатиб берди.

“Фарҳод ва Ширин” достонидаги Чин ҳоқони қандай ота эди? Комил фарзанд Фарҳодга муносиб ота эдимиз? Навоий ҳоқоннинг фазилатларини битта бобда санаб кўрсатмайди. Воқеалар силсиласида комил отанинг қирралари билан ўз ўқувчисини таништириб боради. Ҳоқоннинг саҳийлигини Навоий шундай таърифлайди: кафтининг саҳийликдаги кенглиги денгиздан ҳам кенг, гавҳарлар сочиб инъом бериши эса ҳар қандай қондан зиёда. Ҳоқон фарзандаг чиройли исм қўйиш, кучли ўқитувчига бериб илмли қилиш, ўғил болани ҳунарли қилиш каби отанинг фарзанд олдидаги бурчларига масъулият билан ёндашади. Фарҳод 10 ёшигача Арастунинг устози мақомидаги донишманд муаллимдан дунёвий ва диний билимларни пухта ўзлаштиради. Ун ёшидан кейин тўрт йил давомида жанговарлик яроғларини эгаллашга киришади. Ота фарзандининг ўқиш-ўрганишдан

ФАРЗАНД КАМОЛОТИ – ОТА-ОНАНИНГ БАХТИ



мунтазам хабардор бўлиб туради. Фарҳод 14 ёшга тўлганида ғалати дардга чалинади. Ишқ ҳақида кўшиқ ёки ривоятлар эшитса, йиглайдиган, доим маҳзун юрадиган ўғлини хурсанд кўриш учун ота ҳар хил тадбирлар қўллаиди. Фарҳод тўрт йил қурилишдан бери келмай тош йўниш, бино қуриш, наққошлик сирларини ўрганганда қаршилик кўрсатмайди, аксинча, ўғлининг қизиқишини қўллаб-қувватлайди. Фарҳод тақдир ойнасида ўз келажагини кўриш учун Юнонистонга бормоқчи эканини Мулқоро орқали отасига айтганида, ҳоқон ақл билан мушоҳада қилиб кўради ва хатарли сафарда ўғлига ўзи ҳамроҳ бўлади.

Достондаги иккинчи комил фарзанд бу – Шириндир. У маърифатпарвар ҳоласи Меҳнбону тарбиясида илмли, ақлли ва ифбатли қиз бўлиб вояга етади. Меҳнбону адолатли ҳукмдор, у мамлакатнинг ободлиги ва халқнинг осойишталиги учун курашади, ариқ ва ҳовузлар қазиш ишига раҳбарлик қилади, олимларни қадрлайди. Навоий Меҳнбонунинг олима раҳбар ва оқила она эканлигини таъкидлаш, Шириннинг дунёвий ва диний билимлардан хабардор эканлигини кўрсатиш, аёлларнинг ҳам илм соҳасида эркаклардек муваффақиятлар қозона олишини исботлаш орқали җамиятда раҳбар ва олима аёлларнинг сафи кенгайишини орзу қилган ва аёлларга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромини акс эттирган.

Буюк шоирнинг комил фарзанд тарбиясига муносабатини “Лайли ва Мажнун” достонида ҳам кўриш мумкин. Бани Омир қабиласининг подшоҳи “Ўғлим мактабда ўқиб бахтли бўлсин, илм-маърифатдан баҳра олсин, илмлари билан эл ичида азиз бўлсин ва жаҳонда яхши ном чиқарсин”, деган мақсадда ўғли Қайс учун дунёда тенги йўқ устозни қидиради.

“Саади Искандарий” достонининг қаҳрамони Искандар ҳам жуда эрта илмга ошно бўлади, гузал тарбияси, олижаноб фазилатлари билан халқнинг муҳаббатини қозонади. Арастунинг отаси Нақуможис қўлида яхши таълим-тарбия олади, ақл-заковати ва куч-қуввати билан ҳаммани ҳайратда қолдиради. Отаси вафот этгач, халқни талаби билан тахтга ўтиради, умрининг охиригача Арасту, Афлотун каби олимлар билан бамаслаҳат иш кўради.

“Ҳамса” достонларининг кириш қисмида Ҳусайн Бойқарога алоҳида боб ажратилган бўлса, ҳулоса қисмларида шаҳзодаларга бағишланган боблар ҳам мавжуд. Бу бежиз эмас, албатта. Аллоҳ Ҳусайн Бойқарога 14 нафар ўғил берган бўлиб, буюк ва қудратли мамлакатнинг тақдири шу шаҳзодаларга боглиқ эди. Шу боис уларнинг тарбия-

сида Навоий ўзини ҳам масъул деб ҳисоблаган. Подшоҳнинг тўнгич ўғли шаҳзода Бадиуззамонга Навоийнинг меҳри бўлакча бўлган, уни комил фарзандлар қаторида кўришни орзу қилган. Шаҳзодага оталарча насиҳатлар берган: умр, давлат ва мартаба бақосиз. Дунёда бахт ва бахтсизлик тушдай ўткинчи бир нарсасдир, кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Шоҳлигинда ғалабаларингга эътибор қилма. Худонинг ғазабидан қўрқ, лутфига эътибор қил. Шариат йўлини ўзингга шior қил. Шоҳ юртни адолат билан бошқарса, адолат унинг вайрона мамлакатини обод қилади. Яхшига яхши, ёмонга ёмон бўл. Одамларни бир хил деб ўйлама. Тушингда пари бўлиб кўринган одам ўнгингда шайтон бўлиб қиқиси мумкин. Ўз фикрингга кўп ҳам ишонаверма, ақлли, ишончли одамларнинг фикрларидан фойдалан. “Бола отанинг нусхасидир” деган мақолга амал қил: отангга ўхшашга ҳаракат қил. Фарзандни мурид, отани пир деб бил, бахтли ва узoқ умр кўришни истасанг, бу пир олдида ҳеч қачон айб иш қилма.

Шаҳзода Шоҳғарибга бағишланган бобда комилликнинг энг муҳим шартларидан бири – илм олишга ургу берилган: “Агар куёш бўлишни истасанг, камол касб эт. Кимки олимларга таъзим қилса, у гўё Пайғамбарларга таъзим қилган бўлади. Илм нури билан вужуди порлаган шоҳнинг қиёматгача яхши номи қолади. Илм ўрганишда битта фан билан қаноатланиб қолма. Энг аввало фикҳ, ҳадис ва тафсирини ўрган. Тиб, тарих ва ҳикмат илмини ҳам пухта ўзлаштир. Диний ва дунёвий билимларни ўрганишда отангга эргаш”.

Фарзанд камолида ота-онанинг ўрнига юқори баҳо берган Навоий бобомиз гарчи оила қурмаган бўлсалар-да, 3 ўғил фарзандни ўз тарбияларига олиб, оталик меҳрини кўрсатганлар. Муслмоннинг Аллоҳ олдидаги бурчларидан бири- солиҳ муслмон фарзандни тарбиялашдай вазифани адо этганлар.

“Гуруч қурмасиз бўлмайди”, деганларидай, баъзан ота-онанинг комил фарзандни тарбиялашдай оғир меҳнати бесамар бўлади. Навоий бобомизнинг ёмон йўлга кириб кетган асранди ўғли Шоҳқўлига ёзган мактуби узoқ йиллик меҳнати шамолларга учган, ширин орзулари даҳшатли тушга айланган ота-онанинг изтиробларини акс эттиради, гўё. Мактуб таъна-ю дашномлардан иборат бўлиб, Навоий оталик меҳри билан ўстирган, мусиқа илмини ўрганишда ҳам устоз бўлган, ҳам ҳомиилик қилган, лекин оқибатда шоирни қаттиқ ранжитган ношўқр фарзандаг бағишланган. Мактуб шундай бошланади:



“Ўй нафс ҳавосига гурифтoр ўлғон, Шайтон ишига ишинг намудoр ўлғон, Ҳам зухд ила иззатқа сазовoр ўлғон, Ҳам фисқ ила олам элига хор ўлғон.

Ҳаётимни сенинг тарбияtingга бағишладим, вақтимни сенинг муҳофазатингга сарфладим, бир соат бўлса-да аҳволингдан гофил бўлмадим. Оталик меҳрини ортиги билан кўрсатдим. Зоҳирингни гузал фазилатлар билан ораста, ботинингни Ҳақоийқнинг маорифи билан мукаммал қилишга саъй қилдим, – деб ёзади Навоий. – Гузал фазилатларинг, одобинг, мулоимлигинг билан подшоҳнинг эътиборига тушдинг. Менинг ўғлим бўлганинг учун шаҳзодалар мажлисида аржуманду озодалар суҳбатига сарбаланд бўлдинг.

Дўстларим: “Ҳар муҳра тожга қадалган билан феруза бўлмайди; шиша парчасини бўйинга оingan билан зумрад ўрнини тутмайди; нопoк сувни қанчалик уринма, оби ҳайвонга айлантירה олмайсан; ёнар қуртдан хуршиди рахшонни ясайман, дегувчилар хижолат бармоғини тишлагай, пушаймон бўлиб кафтларини бир-бирига ургайлар”, деб мени неча марта огоҳлантирдилар. Мен уларнинг огоҳлантиришларига эътибор бермай, фақат сенинг тарбиянг билан машғул бўлдим, мусиқа илмидан сабоқ бердим, хатто Фисогурс ҳаким, Аби Наср Фаробъий, Хожа Абдулқодирлар ҳам сенчалик тарбият ва илм олмаганлар. Аммо шунча илм ва тарбия сен учун эмас экан, меҳнатим ҳавога со-вурилди. Залолат ботқoғига бoтдинг, неча марта тавбалар қилиб, онтлар ичиб, яна шу хатоларни такрoрладим”.

Навоий ўғлига подшоҳнинг қалбига озoр бериш билан Қазбани йиқитибсан, энг оғир гуноҳга бoтибсан, дейди. Ҳазрат Навоий қаттиққўл ота сифатида ўғлига сазo ва жазo етказиши мумкин эди, лекин шунча панд-насихат таъсир қилмаган фарзандга сазo хайф, иккинчидан яқинларининг қалбига етказган озoрлари баҳoси oз ўлимдан oртиқ. Лекин Шоҳқўлибек гижжақчи ўз исмини Алишер Навоийнинг фарзандлик дафтаридан, муслмонлик ва ҳамият дафтаридан, подшоҳнинг яқин ки-шилари дафтаридан ўчирганини англаб етмайди.

Эй гоғули ғафлатқа вуғудинг мағлуб, Мажмуи ёмонлиг назарингда марғуб, Бординг дағи келмадинг бу эрди матлуб. Ёлғонларинг ичра йўқ эди муҳдин хуб.

Чўқур дард-алам ва ўқсиниш билан ёзилган бу мактуб орзулари сарoбга айланган отанинг алам-ли сўзлари бўлса, “Ҳайрат ул-абзор” достонида берилган қуйидаги хикоятда фарзанднинг камолини кўрган бахтли отанинг дил изҳорини ўқиймиз: Хожа Муҳаммад Порсо исмли поқдомон шайх ўғли Хожа Ибн Наср билан ҳаж сафарига oтланади. Ўғли йўл давомида отасига сирдош бўлади. Ҳаж амаллари тувагач, халoийқ дуoси ижобат бўлади-ган кишини истаб, Хожа Муҳаммад Порсога мурожаат қилади. Шунда кўзи ёшга тўлган ота: “Мен ўғлимни ҳам ота, ҳам пир бўлиб тарбияладим. Ўзим учун ҳам, ўғлим учун ҳам ташвиш чекдим. У эса ҳақиқат мақомига етиб, барча нарсани унутди. Рухсат берсангиз, ҳаммамизни ўғлим дуo қилса”, дейди. Шунда шайхнинг комилликка эришган ўғли йилгаб туриб, халқни ва отасини дуo қилган экан.

Ҳазрат Алишер Навоий ўз ҳаёт тарзлари, бадийи ва илмий асарлари билан комил инсон тарбияси мавзусининг ҳамма даврларда долзарб эканлигини асослаб бердилар. Бешикдан қабрга-ча илм излаш аслида комиллик йўли эканини бадийий сўз кучи билан кўрсатиб кетдилар.

Нафиса РАҲМОНОВА,
Чирчиқ давлат педагогика
университетининг катта ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси.

ХАБАРЛАНДЫРУ

Тапсырыс беруші МКМ «Ш. Ниязов атындағы жалпы білім беру мектебі» Түркістан облысы, Түркістан қаласы, Ш. Ниязов көшесі, 21 үйде орналасқан мектепке жасалған «Қоршаған ортаны қорғау» бөлімі бойынша жария талқылаулар нысанында қоғамдық тыңдаулар өткізеді:

Жобаны әзірлеуші ЖК Ауешова Н. П., бай-лансы тел. 87013346738, әл. пошта: eko_him@bk.ru Мекен-жайы: Шымкент қ. Қаратау ауданы, Қайтпас-1 м/а, Көркем көш., 49.

Жергілікті атқарушы органның әл.поштасы: a.erkebei@ontustik.gov.kz.

Барлық ұсыныстар мен ескертпелерді ағымдағы жылдың 22 қыркүйектен бастап 5 (бес) жұмыс күні ішінде жоғарыда аталған әл.пошта-ға және ақпараттық жүйеге жолдауға болады (https://ndbecology.gov.kz/).

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Заказчик – ГКП «Общеобразовательная школа им. Ш. Ниязова» проводит общественные слуша-ния в форме публичных обсуждений по разделу «Охрана окружающей среды» для общеобразова-тельной школы им. Ш. Ниязова, расположен-ный в Туркестанской области, г. Туркестан, ул. Ш. Ниязова, 21.

Разработчик проекта ИП Ауешова Н. П., конт. тел. 87013346738, әл. почта eko_him@bk.ru; Ад-рес: г. Шымкент, Каратауский район, мкр. Кайт-пас-1, ул. Көркем, 49.

Эл. почта местного исполнительного органа a.erkebei@ontustik.gov.kz.

Все замечания и предложения можно отп-равить в течение 5 (пять) рабочих дней со 22 сентября текущего года по вышеуказанному эл.адресу и в информационной системе (https://ndbecology.gov.kz/).

ТЕМІРЖОЛ – АСА ҚАУІПТІ АЙМАҚ



түрлі жарақат алып денсаулығы жарамсыз болған.

Ерекше үрей тудырып отыр-ған жағдай жастардың темір-жол бойында жүргенде арнайы

белгіленген орындармен жүр-меуі, ұялы телефонның аспалы тыңдау құрылғылармен жүруі себеп болуда. Теміржолдағы жылжымалы құрам кез-келген уақытта жүруі мүмкін.

Әрбір жазатайым оқиға орны толмас өкінішке әкеп соқты-руы мүмкін. Сондықтан, қала тұрғындарына және қала ко-нақтары мен жас өспірімдерге «Теміржол – аса қауіпті аймақ» екенін жадынан шығармауға, қарапайым қауіпсіздік ереже-лерін сақтауға шақырады.

Түркістан локомотив
пайдалану депосы
әкімшілігі.

ОҚУШЫЛАРҒА ҚАНДАЙ МЕДИЦИНАЛЫҚ КӨМЕК ҚАРАСТЫРЫЛҒАН?

Мектеп медицинасына ке-лесі қызметтер кіреді:

- Алдын ала медициналық қарауларды жүргізу;
- Оқу және демалыс уақы-тындағы сауықтыру іс-шара-лары;
- Аурулардың алдын алу;
- Денсаулықты нығайту же-не дұрыс тамақтануды наси-хаттау;
- Репродуктивті денсаулық-ты қорғау;
- Психикалық денсаулық-ты қорғау, суицид, темекі ше-гу, есірткі мен улы заттарға әуестік, ойынға тәуелділіктің алдын алу;
- Ұлттық екпе күнтізбесіне сәйкес вакцинация жүргізу;
- Алдын ала қараулар нә-тижесі бойынша оқушыларды терең медициналық тексеруге жолдау;
- Санитарлық ережелерді сақтау.

— Бұл қызметтер мектеп ор-наласқан аумаққа тиесілі емха-на арқылы көрсетіледі. Мектеп-тердегі медициналық пункттер оқу жылы барысында балалар-ды медициналық қызметкерлер бақылап, уақытылы медицина-лық көмек көрсетуге мүмкіндік береді. «Кейде бізге ата-ана-лардан балаларын рұқсатсыз

басқа медициналық ұйымға тір-кеп қойғаны туралы шағымдар түседі. Мұндай пікірдің пайда болуына себеп – жүйеде бала-ның басқа емханадан медици-налық қызмет алғаны туралы ақпараттың көрінуі. Алайда іс жүзінде бұл қызметті баланың оқып жатқан мектебіне қызмет көрсететін емхана көрсеткен», – деп түсіндірді Әлеуметтік медициналық сақтандыру ко-рының басқарма төрағасының орынбасары Индира Саркено-ва.

Сол себепті ата-аналар кей-де балаларына қатысты көр-сетілген медициналық қызметті білмей, оған жүгінбегенін ай-тып жатады. Мұндай қызмет-тер туралы ақпарат скрининг және қосымша диагностикалық шаралар толық аяқталғаннан кейін, кейде баланың жасы жеткеннен кейін ғана базада пайда болуы мүмкін (мысалы, баланың жасы жетіге толмаған болса да, ол бірінші сыныпта оқитын болса, скрининг нәти-желері бала туған күнінен кейін енгізіледі).

Венера МАНСУРОВА,
Jacksoft MDS
клиникасының
аймақтық дәрігері.

МАТБУОТ ВА МАДАНИЯТ – МУШТАРАК



Туркистон вилояти ЎЭМБ раиси, ҚХА аъзоси, Туркистон шахрининг фахрий фуқароси Баҳодир Ирисметов (тасвирда) шахсан ўзи ҳомийлик қилаётган 100 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасини келаси ярим йилликда ҳам давом эттиради.



– ҚР Президенти, Қозоғистон Халқи Ассамблеяси раиси Қасим-Жумарт Тўқаевнинг сентябрь ойидаги халққа Мактубини “Жанубий Қозоғистон” нашри орқали батафсил ўқиб, теран танишдим. Давлатимизга она тилимиздаги қадрдон нашрни чоп этаётгани учун миннатдорман. Барча ҳамюртларимизни обунга чорлайман. Вилотимиздаги болалар богчаси, умумтаълим мактаблари, коллеж ҳамда олий ўқув юртларида меҳнат қилаётган заҳматкаш мураббий – устозларни анъанавий байрамлари билан самимий муборакбод этаман.

Вилот ўзбек драма театрини тиклаш масаласида ҳокимликка Эски Йқон марказидаги капитал таъмирланган маданият саройини театр сифатида расмийлаштирилса, деган таклифимиз бор.

11 октябрь шанба куни вилот “Дўстлик уйи”да анъанавий ўзбек тили, маданияти ва урф-одатлари анжумани бўлиб ўтади. Анжуман аввалида қатор тақдимот ва қизикарли тадбирлар режаланган, – деди вилот ўзбеклари сардори Баҳодир Ирисметов суҳбат чоғида.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.



“ОЛАМ АҲЛИ, БИЛИНГИЗКИМ, ИШ ЭМАС ДУШМАНЛИҒ, ЁР ЎЛУНГ БИР-БИРИНГИЗГАКИМ, ЭРУР ЁРЛИҒ ИШ”.
Алишер НАВОЙИ.
(Маъноси: “дунёдаги кишилар, бир-бирингизга душман бўлманг. Бу иш эмас, ҳаммангиз бир-бирларингизга ёру дўст бўлингизким, ҳақиқатда иш шулдир”.)

Эй ҳақиқатни излаётган инсон!
Бу огзингни боғла, яъни кўп емоқдан ва кўп демоқдан воз кеч. Чунки булар ҳақиқат олами учун фақатгина кўз боғидир. Ортиқча емоқ ва турли хил бўлмағур гаплар демоқ, маъно оламини мушоҳада қилмоқга тўсиқ бўлади.
Мавлоно РУМИЙ.

ҲАҚ ОЛИНУР,
БЕРИЛМАС!



Яъни бировга ҳақингиз бўлса, ўзингиз саъй ва ҳаракат ила баъзан ғайрат ва қувват сарф этмагунча ололмасмиз, аниқг учун ман айтаманки:
“Ҳақ олинур, берилмас!”...
Мунга тарихий, шаърий воқеалар кўп далиллар бўлур, барча аҳли тажрибага маълумдур...

Маҳмудхўжа
БЕҲБУДИЙ.

КУН ИҚТИБОСИ



“Газета... дунёда беш кучлик давлат бўлса, олтинчиси, олтинчиси бўлса – еттинчиси...”
Абдулҳамид ЧУЛПОН.

Муҳаббати ҳақида бутун оламга жар солаётган инсон эмас, чойингизга неча қошиқ шакар солишни биладиган инсон сизни севади.

Рашод Нури ГУНТЕКИН.

“ҚИЙИНЧИЛИҚЛАР ҲАЁТИМИЗНИНГ ҚАЙРОҚ ТОШИДИР, УЛАРГА СУРКАЛИБ-СУРКАЛИБ ЎТКИРЛАШАМИЗ”.
Марк ГАССОН.



“РАҲБАРЛИКНИ ПУЛГА СОТИБ ОЛАДИГАН КИШИ, УНДАН ФОЙДА ОЛИШНИ КЎЗЛАЙДИ”.
АРИСТОТЕЛЬ.

ГАРВАРД ДОРИЛФУНУНИДА ТАЛАБАЛАРИНИ РУҲЛАНТИРМОҚ
учун қандай гаплар айтилишини биласизми? Ўқинг, сизга ҳам фойдаси тегади!

- Ҳозир ухласанг, албатта, орзуларингни тушингда кўрасан. Агар уйқунинг ўрнига ўқини танласанг, орзуларингни ҳаётда кўрасан.
- Қачонки сен ҳаммасига жуда кеч бўлди деб ўйласанг, аслида ҳали эрта бўлади.
- Ўқиш азоби – вақтинчалик. Билмаслик азоби – абадий.
- Ўқиш – бу вақт сарфлаш эмас. Ўқиш – ҳаракат қилиш.
- Ҳаёт фақат ўқидан иборат эмас. Ҳаётнинг мана шу қисмини ҳам босиб ўта олмасанг, нимага ҳам қодир бўла олардинг?
- Қийинчилик ва тинимсиз ҳаракатдан роҳатлан.
- Кимки ҳаммасини эрта қилса, ўзининг муваффақиятидан ҳаққоний роҳатлана олади.
- Ҳаммасига улағуриш имконияти барчага берилмаган, лекин муваффақият ўз устида ишловчи ва муаммоларни тезда ҳал қиладиганларга келади.
- Агар сен бугун пиёда юришни хоҳламсанг, эртага югуришга мажбур бўласан.
- Бугун ҳеч қачон қайтиб келмайди.
- Ҳозир ҳатто душманларинг оқларча китобларни ва рақамдоқда.
- Қийинчиликларсиз мақсадга етиб бўлмайди.

Табобат

СОДАЛИ ВАННА
САЛОМАТЛИГИНГИЗ
УЧУН ЖУДА ФОЙДАЛИ



Содали ванна лимфа тизимини тозалашга, шомоллаш билан курашишга, терининг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатишга, стресс ва асабий тарангликни бартараф этишга ва қон айланишини яхшилашга ёрдам беради.
Илиқ сувга 3 ёки 4 стакан сода қўшинг. Аралаштиринг ва сувни 5 дақиқага қолдиринг. Кейин ваннада намланг.



БАНАН ЕБ ТУРИШ КЕРАК

Банан депрессияга қарши курашда ёрдам беради. Чунки ундаги триптофан бахт гормони синтезида иштирок этади.

Суякларни мустаҳкамлайди. Айниқса бу кофеин яхши кўрадиганлар учун муҳим. Чунки кофе организмдан кальцийни чиқариб юборади, банан эса аксинча.
Банан қабзиятда жуда фойдали. Мунтазам банан истеъмол қилиш бу муаммодан ҳалос қиладди.
Банан ошқозон ярасини даволашда ҳам ёрдам беради.

Заковатли миллат

ДАВРГА ХОС ТАРБИЯ ОМИЛИ – КИТОБ

Болаларга таълим-тарбия бериш масаласи доимо давлатнинг диққат марказидаги масъулиятли вазифалардан. Чунки рақобатбардош авлод Қозоғистоннинг эртанги тараққиёти, гуллаб-яшнашида, рақамли ва сунъий идрок ривожигади бош бўгин саналади. Янги ва Адолатли Қозоғистонни барпо этишда албатта интизом, билим ва қобилият, соғлом фикр, юксак тафаккур зарур бўлади.

Сайрам туманидаги “Далабозор” умумтаълим мактабида ўқитувчилар ва ўқувчилар учун аҳамиятли залворли ажойиб учрашув ўтди. “Болаликдан доноликка” китобининг муаллифи ва таржимони ила ўтган мулоқот, рисоланинг алвон тасмаси қирқилиб, тақдими уюштирилиши иштирокчиларда юксак таассурот қолдирди.



Тадбир ташкилотчиси – мактаб руҳшуноси Муроджон Холмонов уюштирган учрашув-мулоқот давомида ёш авлод ўзлари учун фойдали билим ва кўникмаларни олишга муваффақ бўлишди.

“Далабозор” мактабининг директори Алтинай Балтабайқизи, “Жанубий Қозоғистон” газетаси бош муҳаррири муовини Муроджон Абубакиров, ҚР Журналистлар уюшмаси аъзоси Нодирхон Тожиметов, шоира Гулисиё Ҳасанова ва бошқа-

ёш авлод камолотидаги ўрни хусусида гапираркан, иштирокчилар билан жонли ва қизгин мулоқот ҳамда баҳс-мунозараларга киришиб кетди. Ўқувчиларни руҳиятшуносликка илҳомлантира олди.

Ушбу китоб қозоқ тилида чоп этилди. Кейин Муроджон Маҳаммаджон ўғлининг саъй-ҳаракати натижасида ўзбек тилига таржима қилинган нусхаси Тожкент шаҳридаги “Замин нашр” нашриётининг “Кредо Принт” китоб фабрикасида чоп

қисмини этиборингизга ҳавола этмоқни истадик.

“Хавфли ғамхўрлик”
– Онам мени ҳаммадан ортиқ яхши кўради.
– Буни қаердан билдинг?
– Мени деганида ўзини кўярга жой тополмайди. Мактабга ўзи машинада олиб бориб, олиб келарди. Қанчалик иш билан банд бўлмасин, кечки пайт мени олиб кетишга вақт топарди. Кейинчилик университетга ҳам етказиб қўядиган бўлди. Жамоат транспортда



лар ушбу мулоқотдан ёш авлод оладиган илму ирфоннинг юксаклиги ҳақида фикр билдирдилар. Китоб таржимони, асли касби муҳандис Муроджон Мўминов эса қўлланмадаги фикрлар умумий омиллар болалар тарбиясида ўқитувчилар учун ҳам, ота-оналар учун ҳам қимматли неъмат эканлигини таъкидлади.

“Болаликдан доноликка” китобининг муаллифи, тарихчи, ўқитувчи, руҳшунос Сейилбек Мирзабай ўз фаолияти, бу каби дарслик – қўлланмаларнинг

этилди. Ўзбекистонда ҳам ушбу китобга қизиқиш катта, – дейди Сейилбек Мирзабай. – Бу каби келажак авлоднинг билимдон, оқилу доно инсонлар сифатидаги камолотини таъминлашга қаратилган адабиётларимиз талайгина. Ижод ва таржима давом этмоқда. Ишонамизки, билимдон ўқитувчилар кумагида ватанимиз ёшлари муносиб ва мукамал шахс сифатида вояга етишади.

Шу ўринда “Болаликдан доноликка” китобидан кўпчиликка ибрат бўла оладиган мазмунли

камдан-кам борардим. Бундай пайтларда онам қаттиқ хавотирланарди.

– Негачи?
Йўлда бирор фалокатга учраб қолмасин, деган хавотирдан бўлса керак. Она меҳри нималар қилмайди?!

– Стивен, аччиқ бўлса ҳам айтаман. Онани сени яхши кўрмайди.

– Қанақасига?
– Бу сен ўйлагандек ҳақиқий муҳаббат эмас, бор бўлгани оналик инстинкти. Бундай туйғу ҳайвонларда ҳам мавжуд. Ҳай-